БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ


Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 30 июнь Шанба
№ 122 (13.558).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати





МОҲИР ЕТАКЧИ, МЕҲРИБОН ОНА

Она бир қўли билан фарзанд бешигини тебратса, иккинчи қўли билан оламни тебратади. Бу шоир илҳомининг авж нуқтасида ёки фавқулодда образ яратиш самараси сифатида юзага келган ибора эмас. Бу — чин ҳақиқат. Бу — ҳаётнинг илк ва илиқ нафасини ўзида мужассамлаштирган айни реаллик. Ахир боғбонсиз сўлим, ширин-шарбатга тўла боғ, меҳрибон онасиз серфайз хонадон бўлмаслиги ҳаммага аён.

Она! Бу сўз замирида олам маъно ётади. Унинг ҳар бир маъносини чақишга оддий бир лавҳа у ёқда турсин, қат-қат китоблар ҳам камлик қилади. Роҳилахон Суярова ҳам ана шундай аёлларимиздан: ҳам раҳбар, ҳам бағри дарё она. У Андижон вилоятининг Пахтаобод ноҳиясидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги фирқа қўмитасининг етакчиси. Унинг бутун фикри-зикри жамоа хўжалигини юксалтириш, аъзоларининг фаровонлигини ошириш билан банд.

Роҳилахон Суярова тонг саҳарда далага отланса, қош қорайганда уйига қайтиши бу одатий ҳолат. Чунки у ҳар бир нарсани ўз кўзи билан кўриш, кишиларни уюштириш, янги ғояларни олға суриш сингари юмушлар билан банд бўлади. Гоҳ маккажўхорикорлар ҳузурида бўлиб, уларнинг ибратли ишларини мақтайди, ўзи ҳам қувонади. Гоҳ «Оқ чашма» соҳибаларининг ташвишларига шерик бўлади — хуллас, ҳамма жойда ўз маслаҳати, йўл-йўриғи билан меҳнат аҳлини катта ишларга руҳлантиради.

Вилоят фирқалари унга катта ишонч билдиришди: Р. Суярованн КПСС XXVIII съездига делегат этиб сайлашди. Чунки бу съезд бутун мамлакатимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиши аён. Шундан ҳам бундай масъулиятли анжуманда ўз сўзига, қатъий нуқтаи-назарига эга бўлган фирқа аъзоси қатнашиши муҳим.


— Агар сизга съездда сўз берилгундек бўлса, нима ҳақда гапирган бўлардингиз?

— Айтиладиган муаммолар кўп, — дейди делегат. — Лекин энг муҳими фирқа обрўсини тиклашдир. Чунки хўжалигимизда коммунистлар ўзларига топширилган вазифаларни виждонан, бажонидил бажармоқдалар. КПССнинг роли ва мавқеини оширишимиз лозим.

Роҳилахон Суярова КПСС XXVIII съездига жўнаб кетиш арафасида суратчимиз А. МИРЗАЖОН у билан учрашиб, бир кунлик ҳаётидан бир неча тасвирларни туширди. Юқоридаги суратда Роҳилахон Суярова, иккинчи суратда эса ёш маккажўхорикор меҳнатидан мамнунлиги унинг чеҳрасидаги илиқ табассумдан яққол кўриниб турибди. Учинчи суратга эътибор қилинг. Жамоа хўжалиги марказида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларга ўрнатилган ёдгорлик. Фирқа қўмитаси етакчиси ана шу манзилгоҳ обод бўлиши, кўргазмалар намунали сақланиши тўғрисида фаоллар билан тез-тез бу ерга келиб туради.

Аёл ҳамиша гул ўстиришга ишқибоз бўлади. Роҳилахон ҳам бўш вақт топгудек бўлса, ўз боғидаги гуллари парваришига киришади.

Оила аъзолари дастурхон атрофига тўпланишганда хонадонга ўзгача файз киради.





Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг 27 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР делегациясининг 1990 йил 21-23 июнь кунлари Олмаота шаҳрига қилган сафари якунлари муҳокама этилди.

Мажлисда ана шу учрашувда қабул қилинган ҳужжатлар — «Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатнома», Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР раҳбарларининг Баёноти», иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим мазкур регионда тарихан таркиб топган алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун негиз бўлиб хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Бюро Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашувига Ўзбекистон ССР делегацияси сафари якунларини маъқуллаб, вилоят, шаҳар, ноҳия фирқа қўмиталарига, халқ депутатлари Шўролари ижроия қўмиталарининг, вазирликлар ва идораларнинг коммунист раҳбарларига белгиланган қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни, Олмаотада бўлиб ўтган учрашувнинг асосий сиёсий якунларини барча бошланғич фирқа ташкилотларига етказиш вазифасини топширди. Жумҳуриятлар ташкилотлари, меҳнат жамолари ўртасида кенг кўламли алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашилсин, иқтисодиётда мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорликка, маданият ва санъат соҳасида бирбирларини ўзаро бойитишга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинсин.

Марказий Қўмита Бюроси ҳисобот-сайлов фирқа йиғилишларида, конференцияларда ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Марказий Қўмита шаънига айтилган танқидий мулоҳазаларни, илтимос ва таклифларни рўёбга чиқаришга оид тадбирларни тасдиқлади. Ўзбекистон ССР Олий Шўро ва жумҳурият Вазирлар Кенгаши шаънига айтилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифлар улар кўриб чиқиши учун юборилди. Марказий Қўмита Бюросининг аъзолари М. И. Иброҳимов ва Ш. Р. Мирсаидов ўртоқларга ана шу мулоҳазалар, илтимослар ва таклифларни амалга оширишга доир ишларни йўлга қўйиш вазифаси топширилди. Масалаларни ўртага қўйган ўртоқлар кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилинсин.

Бюро Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг назорат-тафтиш комисссиясини тузиш тўғрисидаги қарори муносабати билан XXII съездгача тушган барча шахсий ишлар ва шикоятлар хусусида узил-кесил қарорлар қабул қилиб, уларни Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш Комиссияси муҳокамасига топширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади.

Марказий Қўмита Бюроси мажлисида жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий турмушига оид бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Махсус сон № 6 (17)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!
КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА
ОСНОВАНА В МАЕ 1925г. ■ ОРГАН ЦК ВЛКСМ ■ ЦЕНА 3 КОП.

№ 6 (17) спец • выпуск

Делегатлар фикрлашиб олишди

28 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида КПСС XXVIII съездига жумҳурият фирқа ташкилотидан сайланган делегатлар билан учрашув бўлди. Учрашув қатнашчилари мамлакат коммунистлари анжуманига тайёргарликнинг бориши, фирқа тушиб қолган мураккаб вазият, жамиятдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш зарурлиги тўғрисида фикрлашиб олдилар. КПСС Марказий Қўмитасининг съездга ҳужжатлари, жумладан КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёноти лойиҳаси муҳокама қилинди.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларига Ўзбекистон Компартиясидан номзодларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг аъзолари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Қорақалпоғистон вилояти Беруний ноҳия комсомол қўмитаси ташаббуси билан «Балли, қизлар!» кўриги бўлиб ўтди. Унда қизлар ўз эллари тарихи, табиатни муҳофаза қилиш ва турли муаммолар бўйича билимдонликда, пазандалик, қўшиқ айтиш, шеърий баҳсда куч синашдилар.

Шу шартлар якунлари бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолари бир овоздан ноҳия педагогика билим юрти талабаси Тўлғаной Маримовани ғолиб деб топди. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» номидаги давлат хўжалигидаги болалар боғчаси тарбиячиси Олмагул Жанабоева ва ноҳия ип-йигирув корхонаси ишчиси Гулҳумор Бегимовалар эгаллашди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар, ноҳия, вилоят комсомол қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Рақс, қўшиқ санъати бўйича алоҳида совринни ип-йигирув фабрикаси ишчиси Гулжамол Карибаева қўлга киритди.

Жумҳурият янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводи сирли идишлар ишлаб чиқаришнинг газ тозалаш ускунасини таъмирлашга ярим миллион сўм пул сарфладилар. Натижада юксак экология самарасига эришилди: фторий водород илгари белгиланган нормага нисбатан ташқарига 2-3 марта кўп чиқар ва теварак атрофга ёйилиб узоқ масофаларга тарқалиб кетарди. Ҳозир бу кўрсаткич хавфсизлик даражасигача пасайтирилди.

* * *

ТОШКЕНТ темир йўл муҳандислари институти билан Тошкент метрополитени мутахассислари ишлаб чиққан назорат системаси поездлар ўртасидаги ҳаракат оралиғини 80 секундгача камайтириш имконини беради. Бу система Ўзбекистон пойтахтининг ер ости йўлларида йўловчилар оқими кўпайганда қўлланилади. Ҳозирча эса, система ижодкорлари уни мамлакатдаги бошқа метрополитенларга фойдаланиш учун тақдим этишди.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН Меъморлар уюшмаси ҳузуридаги ўқувчилар дорилфунуни тўрт-беш ёшли кичкинтойларни қабул қилишини биринчи марта эълон қилди. 8-11-синфларнинг ўқувчилари ижодий билим юртлари ва олий ўқув даргоҳларига кириш учун тайёргарлик кўрадиган катта гуруҳлардан фарқли ўлароқ, кичкинтойлар бу ерда расм чизиш, композиция сирларини ўрганадилар.

(ЎзТАГ).

ДИАЛОГ. Саволлар беринг!

Қочамизми?

Дунёда ҳозир қанча қочоқлар бор?

А. ИВАНОВ.
Москва.

«Қочоқлар бўйича АҚШ қўмитаси» жамоатчилик ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги беш йил ичида дунёда қочоқлар сони бир ярим марта кўпайган ва 15 миллион кишидан ошиб кетган. Ҳар куни ўртача 2700 киши она Ватанини мажбурий ташлаб кетмоқда ва бошқа жойлардан паноҳ изламоқда. Дунёдаги қочоқларнинг асосий манбаи қуйидагилар: Афғонистон — 1989 йилга келиб 6 миллион киши, фаластинликлар — 2,3 миллион, Мозамбиқ — 1,4, Эфиопия — 1,0, Ироқ — 0,5 миллион киши. Бу одамларни кўпроқ қайси мамлакатлар қабул қилмоқда? Бу ерда биринчи ўринда Америка Қўшма Штатлари туради: 1975 йилдан то 1988 йилгача улар 1,25 миллион қочоқни қабул қилишган.

Ким пул қилишни билади?

Сўмларни босадиган корхоналар қаерларга жойлашган?

П. НИКАНОРОВ.

СССР Давлат банки эмиссион—кассалар бошқармаси бош муҳандисининг бизга тушунтириб беришича, пуллар Гознакнинг Пермдаги ва Москвадаги икки фабрикасида босиб чиқарилади. Тангалар эса Ленинграддаги ва Москвадаги зарбхоналарда ишлаб чиқарилади.

«ТАМ» шу ерда

Венгриянинг «Икарус» автобуслари тобора қимматлашиб бораяпти, деб эшитдим. Шундай бўлсада биз уларни сотиб олаверар эканмиз. Наҳотки дунёда Венгриядан бошқа ҳеч қаерда автобус ишлаб чиқарилмайди?

Ф. ГРУНИН.

Бизнинг мамлакатимиз дастлабки «Икарус»ларни 1967 йилдан сотиб олган. Ўшанда ҳар бир автобус 25 минг ҳисоб сўм (Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги пул бирлиги) турган. Ҳозир биз уч карра кўп тўлашга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам биз бошқа таъминотчини излаб топишимиз керак. Шу йил баҳорда Москвада Югославияда ишлаб чиқарилган «ТАМ» маркали иккита автобус ва битта «Икарус» пайдо бўлди. Бу автобуслар Венгрияникидан яхши «Гармошка» — «ТАМ»да «Икарус»да қанча жой бўлса, шунча жой бор. Унга кўпроқ йўловчилар сиғади. Икки кишилик ўриндиқлар кам. Кучли дизелли двигатель туфайли машина қисқа вақт ичида тезлигини ошира олади. Тормоз йўли ҳам қисқарган. Бошқариш енгиллаштирилган — тезлик кнопкалар орқали алмаштирилади. Олдинги эшик ҳам йўловчиларни олишга мослаштирилган.

Ҳозирча Москва йўлларида учта янги машина ишламоқда. Улар ўзларини қаҳратон қишда ҳам, одамларнинг гавжум пайтида ҳам, кўрсатиши, ўтиш жойларидаги ўнқир-чўнқирларга чидаши керак. Агар чидашса бизнинг транспортдаги Венгрия монополияси тугайди.

Сигаретлар фойдалими?

Қандай сигаретларда ва папиросларда никотин миқдори кам. Нима учун?

В. КАЛИМУК.

Кейинчалик аниқ бўлиши учун шуни айтиш керакки, чекадиган барча маҳсулотлар навларга бўлинади. СССРда сигаретлар ва папирослар етти навда, ҳозир эса асосан тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш беш навда амалга оширилмоқда. Олтинчи навга оид «Помир» сигаретини ишлаб чиқариш лимитлаштирилган.

Никотиннинг таркиби чекилаётган маҳсулотнинг навига боғлиқ: сигаретнинг синфи қанча юқори бўлса, никотини шунча кам бўлади. «Коинот» сигарети 1-нав бўлиб, унда тамаки смоласи кўп, II-навга таааллуқли «Ява»да эса никотин кўп бўлади.

Сигаретнинг сифати унга ишлатилган тамакининг сифатига боғлиқ бўлади. Жануб тамакиси бу соҳада афзалликка эга, шунинг учун ҳам булғорларнинг сигарети кучсиз, лекин ҳиди яхши.

Пулга чўмиламиз

Ёз келди, дўконларда эса одатдагидек чўмилиш костюмлари кўринмай қолди. Қизиқ, умуман улар қанча ишлаб чиқарилади?

Л. КУРИЛОВА.
Подольск.

«Диалог» мухбири бу саволга жавоб излаб савдо вазирлигига, Давлат статистика қўмитасига, Енгил саноат давлат қўмитасига мурожаат қилди. Бизга ҳеч қаердан аниқ жавоб бериша олмади, чунки бу ҳақда ҳеч қандай статистика олиб борилмас экан. Чўмилиш костюмлари — арзимаган майда ассортимент бўлиб, уларни етказиб бериш миқдори енгил саноат корхоналари ўтказган ярмаркалардаги кўтара савдода белгиланади. Бозор муносабатларига ўтиш туфайли чўмилиш костюмлари ишлаб чиқариш бошқа майда-чуйдаларга ўхшаб фойдали бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шундай қилиб, биз Давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган чўмилиш костюмларини топа олмадик. Лекин ёзги мавсум авж олган бир пайтда чаққон ширкатчилар дўконида сотилаётган уч хил чўмилиш костюмларини 18 ва ҳатто 19 сўмдан сотилаётганлигини кўрдик.

Коммерсия дўконларида эса ҳар хили бор — ғарбда ишлаб чиқарилган чўмилиш костюмлари «атиги» 230—250 сўмдан сотилмоқда. Сотувчиларнинг айтишларича, бундай моллар туриб қолмас экан.

Москвада видеотелефонлар

СССРда 60-йилларда турли шаҳарлар ўртасида видеотелефон алоқаси мавжуд бўлган деб эшитдим. Бунга негадир ишонмайман...

М. БЕЛОВ.
Иркутск.

Бу ҳақиқатан ҳам бўлган. Москваликлар ленинградликларга ва киевликларга сим қоқиб на фақат уларнинг товушини эшитишган, балки суҳбатдошларини кўриб ҳам туришган. Лекин 70-йилларнинг ўрталарига келиб видеотелефон станциялари тугатилган.

Ҳозирги пайтда алоқанинг бу тури яна қайта тикланмоқда ва яқин орада мамлакатимиздаги йирик шаҳарларнинг аҳолиси:

Москва — Ленинград,
Москва — Минск,
Москва — Киев

каналларидан фойдаланишлари мумкин.

Биз бу ахборотни олган Алоқа вазирлиги келажакда видеоалоқани алоҳида ноҳиялар бўйича ҳам ўрнатмоқчи. Бу Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёдаги шаҳарлар бўлади.

Ўз мухбиримиз устуни

ЎЗГАРИШ

Мирзааҳмад АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири.

Сиртдан қараганда Ўзбекистон қайта қуриш жараёнини четлаб ўтаётгандек кўриниши мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Жумҳуриятимиз бугунги кунда тўлақонли ва ўзига хос сиёсий ҳаёт кечираётганлиги эса ғоят муҳимдир.

Ўтган ойнинг асосий воқеаларидан бири Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг ўн иккинчи чақириқ II-сессияси бўлиб қолганлиги шубҳасиздир. Бу сессия Ўзбекистон Шўро Социалистик Жумҳуриятининг мустақиллиги тўғрисида Баённома қабул қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Тошкент шаҳрида май ойининг бошида ташкил этилган «Эрк» демократик партиясидан бўлган халқ депутатлари мазкур Баённома қабул қилинишининг ташаббускорлари бўлдилар. Янги партиянинг раҳбарларидан бири, жумҳуриятда таниқли шоир, Ўзбекистон ССР халқ депутати Муҳаммад Солиҳ «Комсомольская правда» рўзномасида «Ўзбекистонда демократия борми?» сарлавҳали мақоласи билан чиқишга ваъда берган.

Бу мақола кўпчиликни қизиқтириши мумкин,, деб ўйлайман. Чунки шу пайтгача мамлакатда Ўрта Осиё жумҳуриятларида демократия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикр ҳукмрон. Бундай фикрни, фикримча, москвалик иқтисодчи ва эксперт-таҳлилчи Петр Гончаров сингари масъулиятсиз кишилар юзага келтирмоқдалар. Шу йилнинг 20 июнида «Крылья Узбекистана» (жумҳурият граждан авиацияси бошқармасининг органи) рўзномасида унинг субъектив тахминлардан иборат бўлган мақоласи чоп этилди.

Гончаров ёзади: «Ўрта Осиё жумҳуриятларида миллий сиёсий ҳаракатларда йўлбошчиликка миллий-радикаллар келадилар. Исломнинг таъсири ўсиб боради. 1990 йилда Тошкентда ва Фрунзеда тартибсизликлар бўлиши кутилмоқда. Октябрь ойи, айниқса оғир бўлади... Бу жараёнлар Поволже ва Уралолдининг исломлашган ноҳияларида кучли акс-садо беради. Татаристон ва Бошқирдистонда сепаратчилик ҳаракати ривожланиб боради».

Гончаров ва унга ўхшаган «башоратчилар» Тошкентда тартибсизликлар бўлишини хоҳлайдилар. Мантиқ оддий — Тошкентда тартибсизликлар бўлса, бутун Ўрта Осиёда бўлади...

Биз, ўзбекистонликлар бунга йўл қўямизми? Қайта қуришга қарши кучларнинг зўр бериб «ўзгаришлар» учун курашаётганлиги кимга қўл келади?

Бу ўринда ўзимнинг кузатишларим билан ўртоқлашмаслигимнинг иложи йўқ. Кўпгина Ғарбий нашрларнинг мухбирлари Ўзбекистонда узоқ муддатли командировкада бўлишди. Яқиндагина француз журналисткаси Ғазлан Мартин жўнаб кетди.

Умуман олганда бунда бирор бир ғаройиблик йўқ. Хорижий журналистларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари тушунарли. Жумҳуриятимиз мураккаб юксалиш даврини бошидан кечирмоқда. У парламент йўли билан реал сиёсий тўла иқтисодий мустақилликка эришишда ўз йўлини изламоқда. Хорижий ҳамкасбларим билан суҳбатлашганда нега уларни кўпроқ бу ер қизиқтираяпти, деган фикрга келаман. Уларни жумҳуриятимиз аҳолиси қандай яшаётганлиги эмас, балки миллий низо ўтини ёқиш қизиқтиради...

Яқинда Олмаотада Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари президентлари ва раҳбарларининг учрашуви поёнига етиб, ўзаро ҳамкорлик ва янгиланган федерацияга ўтиш юзасидан яхши ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Лекин нима учундир ғарб журналистларини бу қизиқтиргани йўқ. Шунингдек, 500 мусулмон ҳаж қилувчиларнинг яқинда Тошкентдан Макка ва Мадинага жўнаб кетганлиги факти ҳам қизиқтирмади.

Ахир айни мана шу факт, деб таъкидлади мен билан бўлган суҳбатда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси, СССР халқ депутати Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, қайта қуришнинг сахий ўзгаришлари ва дастлабки реал самараларини яққол кўрсатиб турибди.

Мен хаёлпараст ёки ҳақиқатни бўяб кўрсатувчи эмасман. Лекин жумҳуриятимиз турмушида содир бўлаётган ижобий олға силжишларни сезмасликка ҳаққимиз йўқ. Уларни ҳеч ким инкор этолмайди.

Қайта қуриш душманлари асрлар оша ёнма-ён яшаб келаётган Ўрта Осиё жумҳуриятлари аҳолисини ўзаро уриштириб қўйиш, миллий низо солишга ҳар қанча уринмасинлар, ҳаракатлари бесамара бўлиши аён. «Бўлиб ташла, ва ҳукмронлик қил» деган даврдаги тераклар кесилиб кетган. Биз асрлар мобайнида саховатли заминдан бир-бирига ҳамкор ва ҳамдўст бўлиб яшаб келган меҳнатсевар ва истеъдодли халқларнинг авлодлари ва меросхўрларимиз. Биз ўзимизнинг қондош ва маънавий бирлигимизни кўз қорачиғидек сақлашимиз ҳамда истиқболни ҳамиша ёдда тутмоғимиз зарур. Зеро фақат ҳамжиҳатлик ва қардошлик билан порлоқ Истиқболни яқинлаштирамиз.



Зумрад Ҳасанова билан Ойбиби Отоқовалар (суратда) Хоразм ипак ишлаб чиқариш бирлашмасининг синов лабораториясида меҳнат қилишади. Воҳадаги йирик саноат корхоналаридан ҳисобланган бирлашмадаги яхши натижалар Зумрад ва Ойбиби сингари ўнлаб йигит ва қизларнинг самарали меҳнатига боғлиқ. Шу боисдан ҳам корхонада йил бошидан буён режа топшириқлар муттасил бажариб келинмоқда. Энг муҳими, бу ердаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва самарадорлиги ҳар қачонгидан юқори бўлаётир.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЮЗ КУНИ

Мухбиримиз Андрей КАБАННИКОВнинг сиёсатчи Игорь КЛЯМКИН билан мусоҳабаси

— Игорь Моисеевич, янги сайланган Президент ўзининг биринчи нутқини сўзлаганидан буён орадан юз кун ўтди. Бу маърузада мамлакатимиз олдида турган икки муҳим муаммо: туб иқтисодий ислоҳот ва федерацияни янгилаш масаласи кўндаланг қилиб қўйилганди. Президент ҳам уни ҳал этишни асосий масала, деб билди. Ўтган юз кун мобайнида олдинга силжий олдикми?

— Унинг рад этилганини, қабул қилингандан кўра кўпроқ олға силжиш, деб ҳисоблайман. Демак, бу — жамиятда шу ҳол билан илгарилаб бўлмаслигини илғаб олинганидан дарак бермоқда. Менинг назаримда, ҳукуматнинг бу дастуруламали бозор иқтисодиётига ўтиш бўлмай, балки тўпланиб қолган муаммоларни марказий бюрократия хоҳиши асосида ҳал этмоқчи бўлишдир. Аслида, мақсад янги бозор иқтисодиётига ўтиш билан мавжуд қийинчиликларни тан олиб, нарх-навони ошириш йўли билан бюджетдаги инқирозни тугатишдан иборат эди.

— Демак, биз вақтни бекорга ўтказиб, пишиб етилган ва долзарб масалаларни ҳал қила олмас эканмизда!

— Менимча, бой берилган имкониятлардан хулоса чиқариб шуни айтиш лозимки, биз муаммоларни ҳал этиш учун имконият йўқ бўлган жойдан уни изладик. Кейинги пайтда шу нарса маълум бўлиб қолдики, марказдан туриб туб ўзгаришлар ясаб бўлмайди.

— Бу фақат сизга маълум бўлиб қолдими ёки Президентни назарда тутаяпсизми?

— Президентни ҳам. Тан оладиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, дастлабки ҳокимлик кунларининг охирида сўзланган нутқларда ҳам янгилик сезиш қийин эмас. Охир-оқибатда Горбачев ҳам иқтисодий ислоҳотни ўтказиш борасида жумҳуриятларга тўла мустақиллик бермасдан туриб, ҳеч бир иш қилинмаслигини ва улардаги парламентларнинг марказдан берилаётган кўрсатмалар билан келиша олмаслигини англаб етди. Бу — иттифоқ шартномасиз ҳеч нима қилиб бўлмайди, дегани.

— Бундай бурилишнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Бунинг бош сабабчиси — ҳаёт ва унда рўй бераётган воқеалардир. Мен шу ўтган юз кун мобайнида янгича фикр юритишга молик бўлган тўрт воқеани таъкидлашни истардим.

Агар эсингизда бўлса, Горбачев Президентликни бошлаган кезида Литва муаммосига рўпара бўлганди. Ўйлайманки, бу муаммонинг жамики аҳамияти зудлик билан англаб етилган эмасди. Литва мустақиллигини тиклаш ҳужжатини Москвада бошқача қабул қилишиб, уни мамлакатни бўлиб юборишга олиб келувчи уриниш, деб ўйлашди. Зеро, Литва ўзининг дадил ҳаракати билан ҳар қандай жумҳурият сиёсий мустақилликка эришмай туриб, ҳеч қанақа ислоҳот ҳақида ўйлаб бўлмаслигини кўрсатди.

— Аммо, Литва ҳар қалай «қоидага» биноан ҳаракат қилмади-ку.

— Унинг бундай йўл тутишининг боиси шуки, амалдаги қоидага биноан иш тутиб ҳеч нимага эришиб бўлмаслигини улар англаб етишди. Вильнюсдан сўнг Рига, Таллинн ҳам янгича йўл тутишди.

Ва ниҳоят Россиянинг ўз мустақиллигини эълон қилишини олиб қарайлик. Бу Президентнинг сиёсий қарашларига таъсир кўрсатувчи иккинчи воқеа бўлди.

— Сизнингча, ўтган юз кун давомида энг муҳим воқеа шу эмасми?

— Бу ҳолатни юз кун эмас, балки тўрт аср билан қиёслаш даркор. Россия ҳар доим марказ бўлиб келган ва бир қатор халқлар ўз хоҳиши, бошқалари эса усиз қўшилишган. Шунингдек, Россия марказдан ажралса ўзини йўқотган ҳисоблайди. Ташқи хавф борлиги боис бутун кучларни бир ерга жамлаш борасидаги ҳақиқат ҳам кўп жиҳатдан тўғри эмас.

— Ўтган юз кун мобайнида Президент Ельциннинг янги вазифага сайланиши муносабати билан бирон бир мушкиллик сездими?

— Назаримда, Ельцин, ўзининг халқ орасида ўта юқори бўлган обрўйи билан бирмунча хавф туғдирган бўлиши мумкин. Аммо Ельцин билан олға ҳаракат қилиб, бозор ва демократия томон борса бўлади. Афсуски, ўнглар билан эса нари борса, бир жойда депсиниб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳали ҳам мен Ельциннинг обрўйи мамлакатнинг асосий минтақасида осойишталикни сақлашга, турли хил чиқишларни орқага суришга, иш ташлашларни бир оз кечиктиришга ундаётганини айтмаяпман.

— Умуман, Президентнинг қарама-қарши кучлар билан бўлган муносабати осон кечмаган бўлса керак. Биргина шов-шувларга сабаб бўлган Қизил Майдондаги 1 Май намойишини олиб қарайлик. Кўнгил хира торттан байрам намойиши ҳақида кўп ёзилган. Бу ҳақиқат назаримизда қотиб қолган айрим тушунчаларни чилпарчин қилиб юборди. Аммо Горбачевга сўлдан берилаётган зарбалар ҳамманинг кўз ўнгида содир бўлмоқда. Ўнгдан берилаётган турткилардан эса бехабар эдик.

— Горбачевга ўнг томондан берилаётган зарба бўлиши мумкин. Зеро, уни инкор этиб бўлмайди. Аммо Ельциннинг сайланиши сўл томонни кучайтириб, Президентга энг муҳим бўлган масалада — жумҳуриятнинг мустақиллиги борасидаги қарашларига таъсир кўрсатди.

— Сиз унинг ҳаракат доирасидаги тўрт воқеани тилга олиб ўтган эдингиз. Фақат иккитаси келтирилди, холос.

— Учинчиси — бир қатор жумҳурият парламентларининг бозор сиёсатига ўтиш борасидаги ҳукумат дастуруламалини инкор этиши бўлди. Бу яна бир бор марказдан туриб ҳеч нима қилиб бўлмаслигини кўрсатди. Тўртинчиси шу бўлдики, сиз эслатган Канада ва АҚШга бўлган сафар ва бу борадаги Ғарбнинг фикри ҳамда Совет-Америка шартномаларининг имзоланиши ва ниҳоят ўзаро келишув йўли билан Литва инқирозини ҳал этиш масаласидир. 10 июнда Би-би-сидаги суҳбатида Президент илк бор жумҳуриятлар келишуви асосида тузилган иттифоқ тарафдори эканлигини айтди. Шунингдек, унинг СССР Олий Шўросидаги бир қатор чиқишларида илгари баён этилган Литванинг мустақиллигини тиклаш борасидаги ҳужжатларни бекор қилиш фикридан қайтиб, балки уни тўхтатиб турган ҳолда музокаралар олиб бориши мумкинлигини баён қилди. Ва сўнггиси, умумиттифоқ шартномасини тайёрлаш ишларини кучайтириш бўлди.

— Аммо шундан сўнг кўп вақт ўтмай деҳқонлар съездида Лигачев сўзга чиқиб, очиқ-ойдин раҳбарликнинг тутган йўли билан келиша олмаслигини, шу ҳолда борилса СССРга дарз кетиши ва ана шундай ён беришларга кўпроқ амал қилинса, бор нарсани ҳам бой бериш мумкин, деган фикрни билдирди.

— Россия Компартиясининг Таъсис съездида нима бўлаётганига бир эътибор беринг. Агарда Горбачев очиқча сўлдан танқид қилинган бўлса, энди унга бошқа томондан ҳам қаттиқ зарбалар берилаётир. Шу ерда бир нарса, ҳокимият энди қуруқ сўзда амалда кўпроқ қўлдан кетаётганига амин бўлинади. Бундан ташқари Горбачев ва Ельцин ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш иштиёқида.

— Мен у-бу нарсани аниқлаштириб олмоқчиман. Президентнинг вазифаси умуман марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун таъсис этилди. Амалда эса ҳокимиятни мустаҳкамлаш ўрнига уни жумҳуриятларга бўлиб берган ҳолда силласини қуритаяпти.

— Бу марказнинг бўшашаётгани эмас, балки уни ўрни ва функцияларининг янгиланишидир. Ўтган юз кун шуни кўрсатдики, ўз ҳукмини ўтказишга уринаётган эски марказни ҳеч қандай куч билан кучайтириш мумкин эмас.

— Жумҳуриятлар марказда у ёки бу ваколатни қолдира оладими?

— Ўйлайманки, шундай бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мудофаа, элчилик хизмати билан шуғулланиш марказга хос юмуш. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу борада марказнинг янги ваколатлари ҳам пайдо бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шуни айтиш кераки, ҳеч бир жумҳурият жаҳон бозорида мустақил иш тутолмайди, чунки улар бир-бири билан узвий боғлиқ.

— Аммо кўпчиликда марказнинг янги имкониятларни излаш борасидаги ҳаракатлари ёмон таассурот туғдириб, бу ҳол шундай давом этаверса ҳеч кутилмаган вазиятлар юзага келиши мумкин, деган хавф пайдо бўлмоқда. Президент ҳузурида миллий қутқарув қўмитаси ташкил этиш юзасидан бўлаётган гап-сўзлар ҳам бекорга эмасдек туйилади.

— Ҳа, бу қизиқ, аммо у қайси миллатни қутқаради? Йўқ, бу ғоя мўрт. Янги ҳаёт эски марказнинг тамом бўлишига йўл қўймайди.

— Янгича йўл тутаётган Президент кимга ишониши керак? Қайси бир иқтисодий ва сиёсий кучлар унга мадат беради? Балки иқтисодий ислоҳотнинг ижтимоий базаси ҳисобланган — фермерлар, юқори малакага эга бўлган ишчилар, ишбилармонлар унга ёрдамга келиши борасида гап-сўзлар бўлаяпти.

—... Қайсики, улар бозор сиёсати билан пайдо бўлишини назарда тутаяпсиз-да. Демак, бозор бўлмаса улар ҳам бўлмасди, демоқчисиз?

— Худди шундай. Аммо сиёсий кучлар билан бўлган муносабатда ҳам кўп нарса номаълум. Кўп бор Президент янгиланган шўроларга таянишни айтиб ўтди. Аммо улар ҳозирча етакчи кучга айлангани йўқ.

— Мамлакатни демократик асосда бошқариш учун, энг аввало демократияни охирига етказмоқ даркор. Дастлаб умумиттифоқ шартномасини имзолаш лозим. Россия халқ депутатларининг биринчи съезди шуни кўрсатдики, аппаратнинг қарама-қаршиликларини бартараф эта оладиган сиёсий имкониятлар рўёбга чиқмоқда. Ўйлайманки, агарда Президент ислоҳот йўлидан боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, дастлаб жумҳуриятлардаги рўй бераётган ўзгаришларни оқилона баҳолаб, у ердаги миллий кучлар ҳисобига Шўроларни янгилаб олиши керак. Албатта бу жумҳуриятлардаги кам сонли миллатлар ва рус тилида сўзловчи аҳоли ўртасида айрим норозиликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

— Сизнинг фикрингизча, миллий масалаларни ҳал қилиб, иттифоқ шартномасини тузган ҳолда бозор сиёсатига ўтиш мумкин. Бу борада Югославиянинг тажрибаси бор бўлиб, у ерда бир вақтлар шу йўлдан борилиб, барча жумҳуриятларга мустақиллик берилганди...

— Ҳаммаси тўғри. Югославия тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодий мустақилликни ёпиқ ҳолда олиб бориш шу ҳолга олиб келди. Бизда умумиттифоқ бозорини ташкил этиш ҳамма учун фойдалидир. Бу борадаги манфаатдорликни англаш учун ҳар қайси жумҳурият ўзини эркин сезиши лозим.

— Игорь Моисеевич, келинг, фикримизни жамлайлик. Ўтган юз кун давомида бўлиб ўтган воқеалар федерацияга бир қатор ўзгартиришлар киритиб, Горбачевга ўзи танлаган сиёсий йўлни янгилашни мажбур этди. Бу нима — Президентнинг ғалабасими ёки унинг мағлубиятими?

— Бу улуғдавлатчилик сиёсатининг катта мағлубиятидир. Агарда, Президент уни ўтмишда қолдиришни истаса, албатта бу унинг энг муҳим ютуғи бўлади.

Хушхабарлар

СЕВГИ ва садоқат туйғуларини бир умрга қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин? Бу саволга «Аҳилликка нима етсин» деб аталган маслаҳат кенгаши жавоб топишга ёрдам берди. Бу кенгаш Тошкентдаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғининг ташаббуси билан уюштирилган «Тўйлар муборак бўлсин!» байрами доирасида ўтди. Унга келин-куёвлар ҳамда кумуш ва олтин тўйлари яқинлашиб қолган отахон-онахонлар таклиф этилдилар. Узоқ муддат бир ёстиққа бош қўйиб, аҳиллик билан, севги ва садоқат билан ҳаёт кечириб келаётган кишилар мустаҳкам оилавий ҳаёт сирларини ўртоқлашдилар, бирор жанжал чиқай, деб турган пайтда ҳазил-мутойиба қандай ёрдам берганлиги тўғрисидаги қизиқарли воқеаларни эслайдилар. «Шарқ» вокал-чолғу ансамблининг чиқиши байрамнинг файзига файз қўшди.

ТЕРМИЗ шаҳар Маданият ва истироҳат боғида илк бор ўтказилган палов байрамида эркаклар ўзларининг ошпазлик санъатларини намойиш этдилар. Эл орасида ниҳоятда машҳур бўлган бу таомни татиб кўрган аёллар ошпазларнинг маҳоратидан мамнун бўлишди.

Байрамда Сурхондарё ва Фарғона, Хоразм ва Самарқанд паловлари, тўйда ва ҳар куни пишириладиган паловлар хўрандаларга тавсия этилди. Миллий таомлар қандай тайёрланиши кераклигини ёзиб олиш мумкин бўлган маслаҳатхоналар ҳам ишлаб турди. Истироҳат боғи термизликлар яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ажойиб дам олиш программасини ҳам назарда тутган эди. Бу эса одамларга яхши кайфият бағишлади.

Иқтисод ва ҳаёт

БОЗОР: ЧЕТДАГИ

ҚАШШОҚЛАР... КЕРАКМИ?

Икки йўл қаршисида турибмиз, улардан бирини танлаганимиздан сўнг яна орқага қайтишга ва бошқатдан танлашга имкониятимиз бўлмас деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда «Капитализм сари олға!» деган шиор маълум даражада оммалашган. Унинг ортида эса жиноятчилик, порахўрлик ва ниҳоятда зерикарли бўлган «социалистик» ўтмишни рад этиш ҳамда Ғарбда кўраётганимиз капиталистик фаровонликка етиш умиди ётибди. Тўғри буларни ҳаммасини биз асосан журналистлар ва янги ғояшунослар кўзи билан кўряпмиз. «Қашшоқликдаги тенглик, сохта ғоялар кўнгилга урди, — дейишмоқда — улар. — Инсон меҳнат бозорида курашиши керак, ким кучли бўлса ўша бой ва бахтли бўлсин».

Майли, қандайдир мўъжиза туфайли биз социализм изланишларидан воз кечиб фаровон турмуш кечираётган капиталистик давлатлар қаторига қўшилдик, деб фараз қилайлик. Хўш, улардаги камбағаллик биздаги камбағалликдан нимаси билан фарқ қилади? Испанияда ўртача ҳаёт кечираётган бир испаниялик даражасида яшаётганим (мен таклиф бўйича Сарогоса университетида ишлайман) учун шу ҳақда ўз нуқтаи назаримни айтиб ўтмоқчиман.

Кейинги йилларда бизда Ғарбдаги қашшоқларнинг бахтли ҳаёти тўғрисида (ишсизлик нафақасини олиш учун шахсий автомобилида борадиган ишсизлар ва ҳоказо) кўп афсоналар тарқалди. Шу йилнинг январида социологларнинг Мадриддаги вазият тўғрисидаги маърузаси эълон қилинди. Маълум бўлишича бу шаҳарда 700 минг киши қашшоқлик даражасидан паст даражада яшайди, улардан 160 минг кишининг даромади 226 песет экан. Бу пулга икки марта метро ёки автобусда юриш (100 песет), бир пакет сут (80 песет), бир буханка нон (40 песет) ва бир шиша ичимлик сув олиш мумкин. Бу рақамларни келтиришдан мақсад капиталистик жаннатда бизни ҳозир қаттиқ ранжитаётган камбағаллигимиздан мутлақо бошқача қашшоқлик кутаётганини ҳар бир киши тушунишини истардим.

Ҳозир бизни ишсизликка чақиришмоқда ва буни фаол қувватламаётганимиздан ҳатто ҳайратга тушишмоқда: нафақа олиб шохлардек яшайвермайсанми, иқтисодиётга эса бу фойдали.

Биз бутунлай бошқа бир оламни ўз тушунчамиз доирасида қабул қилиб мутлақо янглишамиз. «Бизда ҳам фоҳишабозлик бор деймиз» ва албатта бунда ривожланган «бозор» психологиясига ва катта даромадга эга хонимларни назарда тутамиз. Аммо хушахлоқ ва табиийки пул ишлашни билмайдиган калта кўйлакли қизнинг қишда йўл чеккасида совуқдан қалтираб турганини кўрганингда қалбингда мутлақо бошқача ҳислар уйғонади, Бу Италия фильмлари туфайли туғилган афсона эмас. Булар асосан хароб бўлган аёллардир, уларнинг харидорлари ҳам англиялик сайёҳлар ёки савдогарлар эмас, ўзларига ўхшаган ҳаётда омади юришмаган аҳолининг учинчи қисмига оид бўлган кишилардир.

Бозор иқтисодиёти ташвиқотчилари капитализм ўз камчиликларини енгиб ўтмоқда деб уқдиришмоқда. Аммо шафқатсиз қашшоқлик — бу камчилик эмас, балки капитализмнинг қуролидир. Баъзиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқаларни нормал ҳаётдан қувиш фойдалидир. Ҳозир махсус «ижтимоий ҳаракатнома»ни амалга ошириш — ишсиз ёшларни узоқдаги иссиқ соҳилларга (ядровий чиқиндиларни учинчи дунё мамлакатларига чиқарилгани каби) олиб бориш бошланди. ГФЖ ўз ишсизларини Канар оролларига жойлаштирмоқда. Уларнинг нафақалари иссиқ осмон остида ётишга ва арзон-гаров бананларни чайнашга етади. Уларни назорат қилиш ҳам осон.

Бироқ бизнинг бўлажак қашшоқларимизга бу бананларни чайнаш насиб этмайди. Биз учинчи дунё хазинасига бемалол кириш имкониятига эга бўлган Ғарбдаги бой мамлакатлардаги қашшоқлик ҳақида гапирдик. «Биринчи дунё ҳозирги кунда Боливия қалайини бундан 10 йил олдингига қараганда 60 фоиз арзонга сотиб олмоқда, Лотин Америкасидан эса фақат қарз учун тўланадиган фоизлар ҳисобига 33 миллиард доллар олган. Бизни бу овқатга яқин йўлатмайдилар, ўзимиз улар учун овқат бўлиб қоламиз.

Ўнлаб . йиллар давомида демократия бўлмаганлиги туфайли бизда сиёсий мушоҳадасизлик касали авж олди. Шунинг учун ҳам ҳеч қандай ички курашсиз ҳар қандай сиёсий шиорни қабул қиляпмиз, асослаб беришни, ҳеч бўлмаганда тушунтиришни талаб қилиш эса хаёлимизга ҳам келмайди.

Иқтисодиётда эркин савдо қилишга ўтиб, қашшоқликни тугатамиз деяётганлар бизни алдашмоқда. Негаки қашшоқлик ўша иқтисодиётнинг ажралмас қисмидир ва бу бизда ГФЖ ёки Испанияга қараганда шафқатсиз кўринишга эга бўлади.

Эркин савдоси бўлган сунъий бозорни яратиш ва истеъмолчилардаги ресурсларни ишбилармонларга тақсимлаб берсак бу ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланишига олиб келади деяётганлар ё бизни лақиллатишмоқда ёки ўзлари бунинг нима эканлигини билишмайди. Халқаро банклар ва фондларнинг учинчи дунёда шундай қилишга бўлган уриниши муваффақиятсиз тугади. Сунъий равишда етиштирилган буржуазия маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эмас балки ўз эҳтиёжи учун, хориждан мебель сотиб олишга сарфлади. Ҳозир ўзимизда пайдо бўлган янги оқсуякларда биз буни кўрмаяпмизми?

Янги пайдо бўлган қашшоқларга яхши бўлади, уларга нафақа ва иссиқ шўрва беришади деяётганлар ҳам алдашяпти. Бозор бозорлигича қолади, у раҳмдилликдан йироқ, капиталистларимизда эса ортиқча пул ҳали-вери пайдо бўлмайди.

Ҳаммамиз ҳам ишсизлик ва қашшоқликнинг бизга дахли бўлмас, деб умид қиламиз. Шундай бўлган тақдирда ҳам агар яқинларимиз ва дўстларимизнинг болаларига озгина бўлсин ачинадиган бўлсак, келинглар жамиятимизни тубдан янгилайдиган ўзгаришларни қўллаб-қувватлашдан олдин ўйлаб кўрайлик. Ахир шу вақтгача бошқа имкониятлар муҳокама қилинмади, ваҳоланки улар бор. Ҳозирги камбағал ҳолимизда янада қашшоқлашиш шарт эмас-ку!

С. КАРА — МУРЗА.
профессор.

ТАНҚИД ҚИЛДИНГМИ, ТАКЛИФ КИРИТ!

Хўш, нима қилиш керак, ҳаммаси қандай бўлса шундайлигича қолаверсинми? Камбағаллар улушини барчага тенг бўламизми? Профессор шунга чақиряптими?

Йўқ, Сергей Георгиевич буржуача тараққиёт йўлини қайтаришга қарши холос. Профессор фаровонликка капиталистик ишчи кучи бозори орқали эмас, балки режали иқтисодиётдан жамиятни тубдан ўзгартирмай, мавжуд анъаналар ва қадриятлар системасини вайрон қилмасдан қадамба-қадам кўп укладлиликка ўтишни таклиф этади.

С. Г. Кара—Мурза Испанияда таркиб топган ва кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини белгилаб берган ўзаро боғлиқ майда корхоналар (ЎБМК) системасига эътибор беришни маслаҳат беради. ЎБМКнинг хусусиятлари шундаки уларда даромадли корхонани яратиш кўп маблағ талаб этмайди, бозорда ва технология борасида чаққон ҳаракат қилади, улкан фабрикалардан қисиб чиқарилган ишчи кучларини ўзига қабул қила олади, (Ғарбда ЎБМК янги ишчи ўринларнинг 90-95 фоизини беради), капиталистик фирмалардан кескин фарқ қилиб бошқарувга кам сарф қилади, бюрократияга йўл қўймайди.

ЎБМКни қўллаб-қувватловчи давлат ҳаракатномаси зарур, акс ҳолда уни йўқ қилиб юборишлари мумкин, айниқса, янгилигида. Испанияда бу иш билан Инсониятнинг яшаб қолиши ва тараққиёти халқаро фондининг очиқ ҳамкорлик қилувчи институти шуғулланади. С. Г. Кара—Мурза мазкур институт директорининг ўринбосаридир.

РУМИНИЯ ҲИСОБЛАШНИ ЎРГАНМОҚДА

Социалистик мамлакатлар орасида ўта марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор сари энг охирида интилишни бошлаган Руминия бу машаққатли йўлда биз билан баровар ва бирга қадам ташласа ажаб эмас. Гарчи Руминиядаги барча сиёсий кучлар ҳали Н. И. Рижковнинг маърузаси тўғрисидаги миш-мишлар етиб бормасиданоқ бозорга ўтиш тарафдори эканликларини билдирган бўлсаларда, гарчи руминлар декабрь ойидан сўнг советларнинг сусткашлик тажрибасини «прогрессионал» инқилобчилардек баҳолашган бўлишсада ҳар ҳолда келажак сари ўзимиз танламайдиган йўл ҳам бўлса керак. Бўлиши керак, негаки энг тезкор ва шиддатли инқилоб мамлакатида ҳам ҳозир «социализмдан капитализмга икки йўл бор» лиги ва ҳали «яхши ривожланмаган мамлакатлар» эволюцион ёки секин-аста борувчи йўлларни танлаши кераклиги хусусида фикрлар жаранглламоқда. Албатта бу фикрга ҳамма ҳам қўшилаётгани йўқ...

* * *

— 25 йиллик «Чаушеску даври»нинг иқтисодий якунлари қандай? Румин иқтисодиётини буйруқбозликдан хўжалик йўлига ўтказиш учун нима халақит бермоқда?

Эужен ДИЖМАРЕСКУ, халқаро иқтисодий ёрдамни мувофиқлаштириш бўйича ҳукумат Комиссиясининг раиси: мен сиёсатчи бўлганимда иқтисодиётдаги вазият ҳалокатли деган бўлардим. Бироқ мен сиёсатчи эмас, иқтисодчиман ва шунинг учун айтаман: ҳали якун чиқарилгани йўқ. Бизга мерос бўлиб қолган статистика, рақамлар, режалар — бу уюм-уюм ёлғонлардир. Ҳозир ҳатто мамлакатимиз қолоқликнинг қайси босқичида эканлигини ҳам айта олмаймиз.

Чаушеску пайтида корхоналарнинг асосий жамғармаси уч миллиард доллар деб жар солишганди. Бу ғирт ёлғондир! Агарда биз бугун уларни қайта баҳолайдиган бўлсак бу пулдан миллиардларни чиғириб ташлашга тўғри келади.

Хуллас буларнинг ҳаммасини ҳисоблаш ва яна ҳисоблаш лозим. Ҳозирданоқ шу нарса маълумки иқтисодий якунлар ижтимоий якунлар сингари даҳшатли бўлади. Кейинги йилларда одамлар бутунлай иродасини унутгандилар, ўз-ўзларини ҳимоя қилмасдилар, энг қўрқинчлиси улар миллат билан нима бўлаётганига бефарқ эдилар. Шунинг учун ҳам ўйлайманки, айбдорларни қидиришдан олдин хўжаликдаги ҳар қандай майда-чуйда масалани ҳам «шахсан Н. Чаушеску» ҳал этишига ҳар биримиз маълум даражада айбдор эканлигимизни тушунишимиз лозим.

Дину ПАТРИЧИУ, миллий либерал фирқа котиби: биз, оппозиция ва ҳукмрон фирқа — Миллий нажот фронти (МНФ) ўртасидаги фарқ шундаки, улар фақат «Н. Чаушеску даври»ни танқид қилишади. Биз эса коммунизм ҳукмронлик қилган ва мамлакатни бошиберк кўчага олиб кирган бутун 45 йилни. Руминияда сизларнинг диссидентингиз Зиновьев айтганидек афтидан СССРдагидан ҳам кучлироқ бўлган «қизил буржуазияга» қарши инқилоб бўлди. Бу қуролли антикоммунистик қўзғолон эди. Энди бизга иқтисодиётда ҳам антикоммунистик инқилоб зарур.

Мен ҳам РКПнинг собиқ аъзосиман, шунинг учун ҳам бозор коммунистлар учун бор йўғи мажбурий чора эканлигини яхши биламан. Улар бозорга ишонишмайди ва ислоҳотни чўзишади. Бу эса ижтимоий портлашга олиб келиши мумкин. Фронтнинг сайловлардаги ғалабаси — бу миллий фожиадир, мен эса ғолиб фронтга олти ой ҳам бермасдим... Шуниси қизиқки МНФ «совет сабоғини» буткул инкор этди: бозорга «босқичма-босқич» ўтиш самарали бўлмайди, Сусткашлик билан қайта қуриш «гангитувчи терапия»дан кўра қимматга тушади, у инфляция, ишсизликни пайдо қилади, миллий ва фуқаролар низоларини келтириб чиқариши мумкин...

— Бозорнинг ижтимоий оқибатларини қандай қилиб енгиллаштирмоқчисизлар?

Э. ДИЖМАРЕСКУ: биз аввалambor қисқа муддатда фойда келтирадиган қишлоқ хўжалиги

Ғарб ва қайта қуриш

Ф. МИТТЕРАН:

ЁРДАМГА ТАЙЁРМИЗ

«Агар М. С. Горбачев муваффақиятга эришса, бундан барча манфаатдор бўларди,—деди «Монд» рўзномасига берган мусоҳабасида Франция президенти Ф. Миттеран — бу шўро фуқаролари ҳаёт даражаси яхшиланишини, СССР ҳуқуқий ва сиёсий тузумининг омилкорроқ, марказлашмаган бўлишини, замонавий шароитларга мослашувини англатади. Вазифа ниҳоят қийин бўлишига қарамай Горбачев уни амалга оширишга қодир, деб ҳисоблайман. Йўқса миллий ҳаракатларнинг фаоллашуви туфайли «Совет Иттифоқининг портлаши» хавфи бор, бу эса мамлакатда тўқнашувлар ва зўравонлик ҳолларига сабаб бўлиб, халқаро даражада оғир оқибатларга олиб келади».

Ж. БУШ:

ШОШИЛИШ ЯРАМАЙДИ

«АҚШ маъмурияти Франция президенти Ф. Миттераннинг Совет Иттифоқига иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифини қўллашга, ҳар ҳолда ҳозирги босқичда, тайёр эмас,» — баён қилди АҚШ президенти Ж. Буш чоршанба куни Хантсвилдаги (Алабама штати) матбуот конференциясида. Шу билан бирга, деди у, Қўшма Штатлар мазкур ташаббусни етти етакчи Ғарб мамлакатлари раҳбарларининг июлда бўлиб ўтадиган учрашувида муҳокама қилишга рози.

Президент Ғарб кўмаги совет иқтисодиётига ёрдам бериши мумкинлигини тан олди, бироқ унинг фикрича, АҚШнинг бунда иштирок этишига қатор жиддий тўсиқлар ҳалақит беради. Шу муносабат билан Оқ уй раҳбари Совет Иттифоқи иқтисодиётида «ҳали жуда кўп ислоҳотларни амалга ошириш» зарурлигини баён қилди. Ж. Буш Кубага берилаётган Совет ёрдамини ҳам ёдга олди.

«Жаноб Горбачев билан у шу ерда эканлиги вақтида молиявий ёрдамга доир қийинчиликлар ҳусусида очиқчасига гапиришга ҳаракат қилдим, — деди Буш. — Бу тўғрида мен у билан Мальтада гаплашганман. Бундан ташқари, унга ўртамизда тўлиқ ҳамкорлик мумкин бўлиши учун қилиниши керак бўлган ишлар рўйхатини тақдим этдик. Аммо мен ҳеч қандай янги ташаббусларни режалаштираётганим йўқ. Айни вақтда қайта қуришга муваффақият тилайман».

БМТ. Миллатлар ҳамжамияти қароргоҳида Фаластин масаласи юзасидан Шимолий Америка регионал семинари ниҳоясига етди. Унинг қатнашчилари БМТ раҳнамолигида Яқин Шарқ юзасидан халқаро тинчлик конференциясини зудлик билан чақирилишини талаб қилдилар. Ушбу анжуман «Фаластин халқига тинчлик ва адолат — 90-йилларнинг асосий мақсадидир» деган шиор остида ўтди.

Семинардаги умумий мунозараларда сиёсий ва диний арбоблар, дипломатлар, ёзувчилар, ҳукуматга қарашли бўлмаган кўплаб-кўп ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Улар Фаластин Озодлик ташкилотининг Фаластин халқининг иқтисодий, маданий, ижтимоий ривожлантиришдаги аҳамияти, унинг Фаластин давлатини тузишга қаратилган сиёсий дастури тўғрисидаги масалалари, шунингдек Яқин Шарқ юзасидан халқаро конференция чақирилишига ҳозирлик кўришда Шимолий Американинг аҳамияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

ТОКИО. Япония Шарқий Оврўпа ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига ўзининг техникавий ва молиявий ёрдамини янада кўпайтирадиган — Япония Вазирлар кабинети билан ҳукмрон либерал-демократик фирқа раҳбариятининг учрашувида эришилган аҳдлашувнинг моҳияти ана шундан иборат.

Учрашувда ташқи ишлар вазири Таро Накаяма Япония ушбу минтақаларни ҳозирги пайтда иқтисодий жиҳатдан қай даражада қўллаб-қувватлаётганлиги хусусида ахборот берди ва бу ерга тўпланган раҳбарларни бу мададни янада кучайтиришда кўмаклашишга чақирди. Айни вақтда у мазкур мамлакатларга тажрибали япон мутахассисларини амалда кўпроқ юбориш, шунингдек катта қарзи бўлган мамлакатлар қарзининг бир қисмидан воз кечиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БОНН. ГСДПнинг Бундестагдаги «Оврўпа ҳамжамияти» ишчи гуруҳи раиси Хайдемари Вичорек-Цойль хоним умумий бозор мамлакатлари Совет Иттифоқига тезда иқтисодий ёрдам беришини ёқлаб гапирди. Оврўпа ҳамжамияти мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари СССРдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни шу йилнинг октябрь ойига қадар кечиктириб, мазкур масала юзасидан бир фикрга келаолмаганликларидан фақат афсусланиш мумкин, холос, деб таъкидлади у, бу ерда тарқатилган баёнотда. Шундай қилиб, президентнинг кўнглида ислоҳотлар жараёни учун шунча кўп иш қилган Совет Иттифоқи яна Оврўпа иқтисодий ҳамжамиятидан ёрдам олаётган Шарқий Оврўпа мамлакатлари рўйхатидан чиқариб юборилди.

БУХАРЕСТ. Бу ерда Румыния ҳозирги ҳукуматининг охирги мажлиси бўлди. У шу ҳафтада тузилаётган янги ҳукуматга ўз ваколатларини топшириши керак. Ҳукумат аъзолари шу йилнинг дастлабки беш ойида иқтисодиётнинг, валюта-молия фаолиятининг ва ташқи савдонинг қандай аҳволда эканлигини муҳокама қилдилар.

Ҳукумат мажлисида сўзга чиққан Румыния Бош вазири Петре Роман иқтисодиёт баъзи ижобий натижаларга қарамай, оғир аҳволда қолаётганлигини уқтирди. Бозор муносабатларини вужудга келтириш йўлида уни кейин йўналтириш доир туб чоралар кўришга киришадиган, барча тузилмалар ва давлат аппаратини бутунлай ўзгартирадиган вақт келди.

СОФИЯ. БХР Ташқи ишлар вазирлиги Болгариянинг талабалар ўқишни тўхтатиб қўйган олий ўқув юртларида тартиб ўрнатиш ва ишларни изга солишга тайёр эканлигини бу ерда тарқатилган баёнотида таъкидлади.

К. Охридский номли София дорилфунуни талабалари 1990 йил 11 июндан 12 июнга ўтар кечаси ўқишни тўхтатганликлари, — деб таъкидланади баёнотда мамлакатдаги бошқа бир қанча олий ўқув юртлари томонидан қўллаб-қувватланган эди. Баъзи олий ўқув юртларининг ўқув биноларини ўқишни ташлаганлар эгаллаб олишган. Бу эса тартибнинг жиддий бузилишига, баъзи ҳолларда эса ўқув жараёни, имтиҳонлар ҳам бутунлай тўхтаб қолишига олиб келди. Забастовкачиларнинг талаблари тобора кучайиб бораётганлиги таъкидланади.

(ТАСС).



Шанхайдаги янги клуб аъзоларини ягона мақсад — ҳозирги кунда давосиз ҳисобланган рак касалидан шифо топиш истаги бирлаштирди. Бу ерда улар фақат малакали дўхтирлар маслаҳатини олиб қолмасдан, Хитойда асрлар давомида қўлланиб келинаётган махсус нафас олиш машқлари билан шуғулланадилар. Клубни касалликдан шу йўл билан фориғ бўлган кишилар маблағ билан таъминлайдилар.

СУРАТДА: Юань Мэйчжу (ўртада) цигун комплекси туфайли дардига даво топди.

Синьхуэ — ТАСС сурати.

Қайси Президентнинг маоши кўп?

Бош вазирлардан ёки президентлардан энг кўп маош оладигани ким?

Н. БУТОВ.

Белая Церковь.

Бундан беш йил муқаддам Рональд Рейган ҳақиқатан ҳам дунёдаги энг кўп маош оладиган президент деб ҳисобланарди. Лекин давр ўзгариб туради. Энди, деб хабар беради Американинг «Нэйшнл инкуайрер» жаридаси, биринчилик «шоҳсупаси» Япония бош вазири Тосики Кайфуга таллуқлидир. Унинг йиллик маоши 217 минг долларни ташкил қилади.

Таққослаш учун айтиш мумкинки, Жорж Буш 200 минг доллар, яъни япониялик ҳамкасбидан 17 минг доллар кам маош олади.

Энг бой, қиролича деб Елизавета II ҳисобланади. Унинг мулки 7 миллиард фунт стерлингга баҳоланган. Ер куррамиздаги энг бадавлат одамлар рўйхатидан инглиз қироличаси тўртинчи ўринни олган.

Унга тегишли ерлар ҳар куни 3 миллион фунт стерлинг фойда келтиради. Ўз ишбилармонлиги билан машҳур бўлган қиролича биржадаги акциялар қийматини кузатиб боради ва капиталини қайси томонга қўйиш кераклиги ҳақида яхши маслаҳат бера олади.

Қироличанинг ўзини сақлаш инглизларга арзонга тушмайди. Давлат хазинасидан, солиқ ундирувчилар чўнтагидан унга ҳар йили турли тантаналар ва хизматкорлар учун 4,5 миллион фунт стерлинг тўланади.

Кўплаб инглизлар учун «Қироличамизни худо ўз паноҳингда асра» мадҳияси шунчаки анъана эмас. Жамоатчилик фикрини билиш учун ўтган йили «Мейл он санди» рўзномаси ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 89 фоизи монархия муассасининг ишини давом эттиравеpишини айтишган.

ДАРВОҚЕ: «СССР Президентини таъминлаш, унга хизмат қилиш ва уни муҳофаза этиш тўғрисида»ги СССР Қонунида Президентимизга солиқ солинадиган ойига 4 минг сўм миқдорида маош белгиланган.

НИКАРАГУАДА КОНТРАСЛАРНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТУГАЛЛАНДИ

САН — ПЕДРО — ДЕ — ЛОВАГО (Никарагуа), (ТАСС). Никарагуада контрасларни ҳарбий хизматдан бўшатиш жараёни тугалланди. Ўтган чоршанба куни Чонталес марказий департаментидаги Сан — Педро — де — Ловаго деган жойда мамлакат ҳукумати, католик черкови вакиллари, халқаро кузатувчилар ва дипломатия корпуси вакиллари иштирокида «Никарагуа қаршилик ҳаракати» бош штабининг аъзолари қуролни ташладилар. «Никарагуа қаршилик ҳаракати» кучлари бош қўмондони Исраэль Галеано («Команданте Франклин») шахсан Никарагуа Президенти Виолета Бариос де Чаморрога ўз милтиғи ва ўқ-дориларини топширди. Шу куни қаршилик ҳаракати раҳбарлари билан биргаликда контрасларнинг 120 нафар командири қуролни ташлади.

БМТнинг Марказий Америкада тинчликни сақлаш халқаро кучлари вакили Фернандо Кастаньоннинг ТАСС мухбирига маълум қилишича, Никарагуада жами 19094 аксилинқилобчи ҳарбий хизматдан бўшатилди. Улар мамлакатнинг турли ноҳияларида «Тараққиёт қутблари» деб аталмиш жойларда жойлаштирилиб, бу ерда уларга қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имконияти берилади. «Тараққиёт қутблари»да жойлаштириладиган ҳарбий хизматдан бўшатилганлар ва уларнинг оила аъзолари 100 минг кишидан ошади.

«ХОТИНЛАР КЕРАК»

«Хотинлар керак. Италияга келиш, тўй ва ундан кейинги саёҳат харажатлари тўлиғича тўланади. Бундан ташқари ҳар бир қаллиқ совға тариқасида минг доллар олади». Американинг бир неча рўзнома ва мажаллаларида шундай ғалати эълон пайдо бўлиб қолди. Маълум бўлишича, бу иш Италиядаги кичик Куаранти шаҳарчасида (Миландан бир соатлик йўл) истиқомат қилувчи бўйдоқлар ташаббуси билан бўлган экан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 215 кишидан иборат шаҳар аҳолисининг 175 нафарини 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган бўйдоқлар ташкил қилар экан. Қизу-жувонлар ўз бахтларини излаб катта шаҳарларга кетиб қолишгани туфайли сўнгги ўн йил ичида шаҳарда ўлим даражаси туғилиш даражасидан 20 марта ошиб кетди. Маҳаллий эркаклар — яъни узум етиштириш ва май ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермерларнинг боши қотиб қолди.

«Агар кейинги 10 йилда ҳам аҳвол шундай давом этса, мен сароб шаҳарга мэр бўлиб қоламан-ку!» — деб айни вақтида ўйлади Мио Каваллеро ва у бошчилик қилаётган шаҳар шўроси қарор чиқарди: «бир неча мамлакатда никоҳ рекламаси бўйича кампания бошлансин, бўлажак тўйлар ҳаражати кўтарилсин, ўғил туққан онага 1500, қиз учун — 2000 АҚШ доллари тўлансин. Агар бўлажак келин шаҳарга ота-онасини ҳам олиб келмоқчи бўлса, мэрия умр давомида уларнинг уй ҳақини тўлашни зиммасига олади».

Ҳозир шаҳарчага бўйдоқлар ҳамюртларидан, Бразилия ва Шарқий Оврўпа мамлакатларидан хатлар келмоқда. Илк тўй ҳам бўлиб ўтди. Унда бутун шаҳар ҳурсандчилик қилди. Шаҳар мэри фермерларнинг аксарияти ёқимтой, маълумотли, банкда анчагина жамғармасига эга кишилар, деб кафолат беради.

Е. ОВЧАРЕНКО.

Ташриф—дарча орқалими?

Квартираларни ўғирлаш кўпинча қандай ҳолларда содир бўлади?

И. МЕЛЬНИКОВ.

Чебоксари.

Бу саволга жавоб беришда бизга милиция подполковниги, СССР Ички ишлар вазирлиги матбуот-хизмати ходими Ю. Решетник ёрдам берди:

— Май ойи давомида РСФСР Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра жиноятчилар ўт очар ва совуқ қурол билан уй эгаларини қўрқитиб, пул ва қимматбаҳо буюмларни олиш учун 101 та босқинчилик қилганликлари аниқланган.

Жиноятчилар жабрланувчиларнинг уй ва хонадонларига киришда бир марта чердак орқали, уч марта жабрланувчиларнинг ўзлари нотаниш одамларни спиртли ичимликлар ичиш учун таклиф қилишганда, тўрт марта ўғрилар уй эгасининг таниши эканлигини айтиб келишганда, бешта ҳолатда эса жиноятчилар эшикни калит танлаб, очиб олти марта эса дераза орқали киришган. Саккиз марта эшикни бузиб, йигирма саккиз марта очиқ қолган эшикдан кириб келишган ва қирқ тўққиз марта эшикни тақиллатишганда уй эгалари келувчининг ким эканлигини, нима учун келганлигини сўрамасдан эшикни очганликлари туфайли босқинчилик содир бўлган.

Сўм учинчи даражалими?

Эшитишимча, барча мамлакатларнинг валюталари маълум турларга бўлинар экан. Сўм уларнинг қайси бирига тегишли бўлади?

М. КАТИН.

Ленинград.

СССР ташқи иқтисодий банкидан бизга қуйидагича жавоб беришди: валютанинг уч хил даражадаги тури мавжуд.

Биринчи — ўта ривожланган капиталистик мамлакатларнинг валютаси (АҚШ, Япония ва бошқалар).

Иккинчиси — «учинчи» дунё мамлакатлари ва учинчиси — айтиш мумкин «берк» валюта (социалистик мамлакатларнинг пул бирликлари ва бизнинг сўм).

Бешинчи чораксизми?

Мактаб маъмурияти ўқувчиларни ёзда ишлашга мажбур қилиш ҳуқуқига эгами? Практика ўтказиш ўрнига заводга бориб ишлаш мумкинми?

Ю. ФИЛИПЧЕНКО.

Киев.

Халқ таълими Давлат комитетида тушунтиришларига кўра ёзги мактаб практикаси барча ўқувчилар учун мажбурий экан. Уни фақатгина соғлиги ёмонлиги туфайли ёки санаторийга йўлланмаси бор бўлган ҳолдагина қолдириш мумкин. Кейинчалик уни ўташ ёки ўтамаслик маъмурият хоҳишига қараб бўлади.

Ўқувчи ишлаб-чиқаришга бориб ишламоқчи бўлса, мактабга хабар қилиб бу ҳақда педсоветга ариза ёзиши ва корхона вақтинчалик ишга қабул қилишини тасдиқловчи ҳужжат топшириш керак. Ҳар бир бундай ариза мактаб кенгашида муҳокама қилинади. Одатда маъмурият ўз ўқувчиларга ён босади.

Чаушескунинг махфий ишими?

Марҳум Николае Чаушеску Исроилга ҳар доим алоҳида меҳр билан қараб келган. Чунки, Руминия Исроил билан 1967 йилги араб-исроил урушидан кейин дипломатик алоқаларни узмаган Шарқий Европадаги ягона мамлакатдир. Бундай сиёсатнинг сабаби нимада?

Р. КАБИРОВ.

Чаушеску мамлакатдан чиқиб кетишни хоҳлаган яҳудий миллатидаги руминияликларнинг барчасига «яшил чироқ» ёқиб қўйганди. Диктаторнинг 25 йиллик фаолияти давомида эмигрантлар сони 100 минг кишига етган. Шунингдек, Чаушескунинг шахсан ўзи совет яҳудийларининг Исроилга кетишларига раҳнамолик қилган.

Америкада чиқадиган «Вашингтон пост» рўзномасининг Исроилдаги манбаларга асосланиб берган хабарига кўра, бу қадар ғамхўрлик боиси пул эканлиги маълум бўлди. Руминиядан кетишга қарор қилган ҳар бир яҳудий учун Исроил ҳукумати Чаушескуга 5 мингдан 7 минг долларгача тўлаб турган.

КИШИНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИ

ва туризмга маблағ сарфлаймиз. Биз бир ой ичида ўзимизни озиқ-овқат ва валюта билан таъминлашимиз зарур. Ахир Чаушеску ағдарилгандан сўнг Ғарб ҳатто сигир ва чўчқаларимизга ҳам ем-хашак, витаминлар етказиб беряпти.

Биз 60—70 йиллардаги хатоларимизни яна такрорлаб иқтисодиётнинг эскирган ва келажаги йўқ соҳаларига маблағ ишлатмаймиз. Бугунги кунда энг муҳими — самарадор бўлишлик, мамлакатда капитал бозорини яратиш, корхоналарни босқичма-босқич давлат мулкчилигидан чиқариш.

Тўғри жамият ҳозир қўрқувда. Оппозиция «гангитувчи терапия» шиори билан ҳаммани даҳшатга солди. У ҳолда ишга яроқли аҳолининг чорак қисми ишсиз қолиши ҳеч кимга сир эмасди. МНФ эса бошқача фикрлайди, албатта унда коммунизмдан асар ҳам йўқ. У социал-демократик, ҳатто, янги либералликдан ҳам ҳоли бўлмаган ҳаракатномани олға сурмоқда. Унга қайси томондан ёндашманг айнан ҳозирги вазиятга мос келади, шундай ҳуқуқий қонунлар яратиш кераkки, унинг доирасида бозор иқтисодиёти қонунлари ҳам ҳаракат қилсин, айни пайтда ҳар бир давлат корхонаси қачон, қандай, усулда жамоа, аралаш ёхуд хусусий мулкчиликка ўтишни танлаш ҳуқуқига эга бўлсин.

Д. ПАТРИЧКУ: менимча биз қанчалик тез бозорга ўтсак одамлар шунчалик тез яхши яшай бошлашлари равшан. Афсоналар тўқиб ўз-ўзимизни қўрқитмасдан шошилиш керак. Ишсизликдан одамни фақат унинг қобилияти сақлайди, хобойлардан эса қўрқишнинг хожати йўқ: уларнинг даромади яна ишга тушади. Тушунинг, бизнинг йўқотадиган ҳеч нарсамиз йўқ. Шарқий Оврўпада энг кўп талофот кўрган румин иқтисодиётидир.

Фронтдан ҳафсаласи пир бўлган одамлар бир вақтнинг ўзида бошқа фирқалардан ҳам безиллаб қолишларидан қўрқиш керак. Фуқаролар ҳаракатини ва ижтимоий норозиликни ҳеч ким бошқара олмайди ва уларни фақат миллатчилик инстинкти илҳомлантиради. Бу Руминия учун ўта хавфлидир, ахир Чаушеску 25 йил давомида миллатнинг диққатини турмуш даражасини тушишидан чалғитиш учун худди шу билан шуғулланган. Агарда шундай бўлгудай бўлса Оврўпа ўз Қорабоғига эга бўлади...

— Гапларингиздан тушундимки совет тажрибасини мутлақо қоралайсизлар...

Д. ПАТРИЧКУ: Биласизми, бизда ақлли одамлар ўзгаларнинг, аҳмоқ одам эса ўз хатосидан хулоса чиқаради деган гап бор. Ушбу мақолни Шарқий Оврўпадаги ўзгаришларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин: биз аллақачоноқ бир-биримиздан ўрганишимиз керак эди. Тушунасизми, собиқ социалистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам миллий демократиялаш жараёнини ўтказиб бўлмайди. Биз демократияга бирга, бир-биримизни судраб боришга маҳкум этилганмиз. Умуман олганда бу соҳада ёрдам шакллари тўғрисида ўйлайдиган вақт келди.

Э. ДИЖМАРЕСКУ: СССРдаги ўзгаришлар, шу жумладан иқтисодий ўзгаришлар ҳам Шарқий Оврўпадаги инқилобларга туртки бўлди. Кимдир олға қараб тезроқ, кимдир секинроқ ҳаракат қилиши эса кейин маълум бўлди.

Бугунги кунда СССРдаги ўзгаришларга у ёки бу иқтисодий дастурнинг нима берганига қараб баҳо бериш керак. 4-5 йилдан бери Сизларга қараб ажабланишдан чарчамайман: олдиндан нима бўлишини тўғри айтасизлар ва ҳисоблайсизлар-у, кейин зарур чоралар кўришни шу қадар чўзасизларки, охир оқибатда у тескарисига айланади.

Менимча сизлар нархни ислоҳ қилишни кечириб бўлмас даражада кечиктириб юбординглар, энди одамларга анча қийин бўлади. Сизлар кўпдан кўп қўшма корхоналар туздинглар, лекин мени кечирасизлар-у худди Чаушескуга ўхшаб: ахир бизда унақалар 1974 йилдан бери бор, аммо ҳануз иқтисодиётнинг бир чеккасида турибди. Нега десангиз улар чиқарган маҳсулотлар ички, румин бозори учун эмас, четга чиқариш учун мўлжалланган...

Д. САБОВ.

МАЛАХОВКАДА ҲАММА НАРСА БОР

Масофадан катта кўринади. Ҳадеб Ғарбга қараб ишора қилавермаслик керак. Ҳам «у ёқда», ҳам «бу ёқда»ги ҳаётни кўрганларнинг гапини ҳам эшитиш керак.

Съездлар, сессиялар, маҳаллий Шўролар ва бутун дунё йўқсиллари диққатига: мен 45 минутда бозорга қандай қилиб ўтишни биламан.

Қозон вокзалидан Малаховкагача борасиз ва ўша заҳоти ўтасиз.

Бўлди, ўтиб олдингиз.

Ишонтириб айтаманки Малаховкада ҳам Бонн универмагларида, Франкфуртнинг савдо расталарида, Гамбургнинг «Репербане»сида нимаики бўлса ҳаммаси бор.

Энг муҳими у ёқда ҳам ҳаммасини бир хил нархда сотишади. Лекин валютанинг амалдаги курси бўйича...

МУАЛЛИФНИНГ САФАР ХАРЖЛАРИНИ ОҚЛАШ УЧУН СОЦИАЛИЗМ АСОСЛАРИДАН ЧЕКИНГАНИ

ГФЖда мен таҳририят сафарномаси бўйича социал-демократларга яқин бўлган Эберт жамғармасининг таклифига биноан бўлдим.

Умуман олган барча ўзини ҳурмат қилувчи фирқалар сингари социал-демократлар ғояси ҳам содда ва тушунарли. «Йўл бошида ҳар ким тенг имкониятга эга бўлиши керак». Биз иқтисодчилар, сиёсатдонлар, фирмалар раҳбарлари, касаба уюшмалари етакчилари билан суҳбатлашдик. Ҳаммаларининг фикри бир нарсада якдил эди: марка совет Қозоғистонидан келган муҳожир қўлида бўладими ёхуд С. Рейн — Вестфал ери вазири қўлида бўладими барибир — бир хил қимматга эга бўлиши лозим.

1 (бир) маркага униси ҳам, буниси ҳам нимани истаса шуни харид қилиши мумкин. Униси учун ҳам, буниси учун ҳам марка маҳсулот билан бир хил таъминланган. Шахснинг қадри ҳам кўпинча марканинг ана шу қадри билан белгиланади. Шу боисдан ҳам шарпа Оврўпа бўйлаб бежиз кезаётгани йўқ. Бизда эса маълумки сўм Таллинда, Рибинскда ёки ноҳия маркази Клявлинода турлича қимматга эга.

Менинг бу чўзилиб кетган чекинишим тушунарли бўлса керак — улар ҳам, биз ҳам йўл бошидаги имкониятларимиз бир хил бўлишини истаймиз, ўз пул бирлигимизга рисоладагидек турмуш кечиришни истаймиз. Шунинг учун ҳам улар бозор муносабатларини ривожлантиришмоқда, биз эса бунёд этяпмиз.

Бизнинг кармонимиз ва эътиқодимиз бир, ажралмас эканлигини тушуниш учун мўъжизалар мамлакатидаги Алиса сингари узоқ юрдик. Ва охири манзилга етдик.

Хўш энди нима бўлади?

БОЗОР КУНИДАГИ ЧАҚА

Шундай қилиб Малаховкада, умуман бутун совет «чайқовида» ҳамма нарса бор. ГФЖда мен ён дафтарчамга турли маҳсулотларнинг 217 нархини ёзиб олгандим. Кейин уларни ўзимизнинг чайқов бозоридаги нархларга солиштирдим.

Малаховкада фин қазиси — 70 сўм. ГФЖда — 11 марка.

Малаховкада «Мальборо» (бир қути) — 25 сўм. ГФЖда — 4 марка-ю 20 пфенниг.

Чиройли жинсилар бизда — 400 — 450 сўм. ГФЖда — 90 — 100 марка.

Тайванда ёки Малайзияда тайёрланган «Сони» видеомагнитофони уларда 480 — 550 марка. Бизда, чайқовда — 6 — 6,5 минг сўм.

Икки кассетали «Сони» уларда — 200 — 230 марка. Бизда — 1300 — 1500 сўм.

«ФА» дезодоранти: уларда — 5 — 6 марка, бизда — 30 — 35 сўм.

Электрон соатлар (яна Гонконг — Тайван — Сингапур): уларда — 7 — 10 марка. Бизда — 80 — 100 сўм.

«Смирноф ароғи», «Кеглевич ароғи»: уларда 10 — 12 марка, бизда — 80 сўм.

Аёллар этиги (кузги): уларда — 70 — 75 марка, бизда — 450 — 500 сўм.

Оёқ кийими: уларда — 60 — 90 марка, бизда — 300 — 500 сўм.

Нима учун солиштираётганим тушунарли бўлгандир. **Чайқов бозорида Ғарбий Германия маркаси 7-10 сўм туради. Шунинг учун ҳам буюмлар бозорида уларнинг нархи Ғарбий Оврўпадагидек.**

Савдо соҳасида оми бир одам бўлганим учун тасаввуримча бутунлай бозор иқтисодиётига ўтадиган бўлсак расмий савдо шаҳобчиларида ҳам худди шу нархлар бўлади. Ҳукуматимиз таклиф қилганидек нарх ошадиган бўлса нарх ошиши қонунияти мантиқига кўра у 7-10 баровар ошади. Тан олишим керак бу ҳолда мен ҳаммамиз учун умумий бўлган: «Қандай қилиб яшаймиз» деган саволга жавоб беролмайман.

ПРЕЗИДЕНТ НИМА ҲАҚДА ИНДАМАДИ?

Ҳаммамизнинг норозилигимизни, унимизни жуда осон, ҳатто бир қадар масхаралаб ўчирадиган яхши бир баҳона бор. «Барча демократик (бошқа варианти: ривожланган) мамлакатларда шундай қилишади».

Мана, мамлакатимиз Президенти ҳам бозор муносабатининг зарурлигини асослаб туриб (мутлақо адолатли) нон бизда жуда арзон эканлигини, «уларда» эса бир буханка икки доллар эканлигини айтди. Тўғри. «Бородино» буханкаси бундан ҳам қиммат. Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади?

Ана шу ерда биз «ривожланган дунё»нинг бозор принциплари ва ҳукуматимиз таклиф этаётган ислоҳот ўртасидаги асосий тафовутга дуч келамиз.

Аммо нима учун биз у ёқдаги ва бу ёқдаги фуқароларнинг даромади ҳар хил эканлиги тўғрисида лом-лим демай нархларни солиштиряпмиз?

Агарда бизда ўртача маош қарийб 250 сўм (лекин ўйлашимча бундан кам) бўлса, ГФЖдаги меҳнатга қараб тўланадиган энг кам иш ҳақи ойига 2000 маркага тенглашади. Ҳатто уй-жой ва медицина хизмати учун ҳам тўловлардан сўнг кам таъминланган Ғарбий германияликнинг қўлида ойига 800—900 марка қолади.

Шундай экан менда савол туғилади: нарх ошганда бизга қанча тўлов берилади? Нархнинг неча баровар оширишдан қатъи назар 15 фоизлигича қолаверадими? Шуниси қизиқки, расман маъқуллашмаса ҳам нархларнинг ўз-ўзидан ошадиган ғалати одати бор.

Турли манбалардан маълумки капиталист ишчи ишлаб топганнинг учдан бир қисмини ўзига олиб қолиб, учдан икки қисмини ишчига беради.

Бизда эса давлат учдан икки қисмини ўзига олиб, бир қисмини ишчига беради.

Бу уй-жой ва озиқ-овқатнинг нархи пастлиги учун тўлов ҳисобланган. Энди эса худди шу ҳол сақланган ҳолда «жаҳон тажрибаси» билан ўзини оқлаган нарх ошиши эмиш.

Ўйлайманки менга ўхшаган солиқ тўловчилар энди ушбу афсонага ишонмасалар керак...

Д. МУРАТОВ.

(Махсус мухбиримиз).

Генерал-майор Олег КАЛУГИН:

«ДХҚ ҳозирча ўз фаолияти услубини ўзгартиргани йўқ...»



Бу одамни «маълум доираларда» яхши билишади. У ҳақда МРБ, Интеллидженс сервис, ДСТ ва дунёдаги бошқа разведкаларда маълумот тўпланган. Энди у билан биз ҳам танишамиз. Генерал-майор Олег Данилович Калугин — илгари АҚШдаги совет разведкасининг раҳбарларидан бири. СССР ДХҚ ПГУ ташқи қарши разведка бошқармасининг собиқ бошлиғи.

— Олег Данилович, қандай қилиб совет разведкасининг Америкадаги резиденти бўлиш мумкин?

—Мен Ленинград дорилфунунининг тил ва адабиёт куллиётини инглиз тили ихтисоси бўйича тугатганман. Дорилфунунни тугаганимдан сўнг ДХҚга ишга олиндим. 1958 йилда Колумбия (АҚШ) дорилфунунига тажриба ўрганишга бордим.

— Сиз ушбу делегацияда ДХҚнинг ягона ходими эдингизми?

— Йўқ. Лекин Сизни бошидаёқ огоҳлантириб қўймоқчиман. Афтидан суҳбатимиз давомида мен баъзи саволларингизга жавобан аниқ рақам, фамилия ва шарт-шароитларни айта олмаслигим мумкин. Гарчи мен заҳирада бўлсам ҳам мамлакат ва ўзим ишлаган ташкилот олдида зиммамга маълум мажбуриятлар олганман.

Шундай қилиб, АҚШдан қайтишим билан мени радиоэшиттириш қўмитасига юборишди. Орадан 8 ёки 9 ой ўтгач Москва радиоси мухбири ниқоби остида яна Нью-Йоркка жўнатишди.

— Дарвоқе, хорижда ишловчи ҳамма журналистларимиз ҳам ана шу тарзда ишлашадими?

— Йўқ, албатта. Журналистлар орасида ДХҚ ходимлари у қадар кўп эмас. Айрим илтимосларимизни бажариб бизга ёрдам берувчилар/бу бошқа гап... 1964 йилда Иттифоққа қайтдим. Ниқобимни ишончлироғига алмаштиришга қарор қилишди. Орадан бир йил ўтгач АҚШга қўлимда диппаспорт билан аввалига АҚШдаги СССР элчихонасининг иккинчи, кейин биринчи котиби сифатида бордим. АҚШдаги совет резидентининг ўринбосари, резидент кетгач эса узоқ вақт унинг вазифасини бажарганман.

— АҚШдаги совет резиденти нима билан шуғулланади?

— Резидентнинг вазифаси агентурамиз тармоқлари ишини мувофиқлаштириб туриш.

— «Тармоқлари» дедингизми?

— Ҳа, улар бир нечта. ДХҚнинг разведка бошқармаси учта асосий бўлинмадан иборат: сиёсий разведка, илмий-техникавий разведка ва ташқи қарши разведка. Ҳар бири ўз тармоғига ва иш объектига эга. Мисол учун ташқи қарши разведка МРБ, ФБР, Миллий хавфсизлик бошқармаси ва ҳоказолар билан шуғулланади. Давлат департаменти эса сиёсий разведка объекти. Резидент ана шу тармоқларнинг ишини мувофиқлаштиради, маълумотларни ажратади ва таҳлил қилади. Ахир мамлакатимизга таалуқли маълумотларни йиғиш, воқеаларни олдиндан башорат қилиш разведканинг асосий вазифасику.

— Давлат хавфсизлиги қўмитасида ишлаётганингизда бирон марта ҳам сизда қилаётган ишингизнинг тўғри эканлигига шубҳа туғилмаганми?

— Очиғини айтганда бундай шубҳа биринчи марта 1968 йилда пайдо бўлганди. Ўша пайтда резидент вазифасини бажарардим. Москвадан менга эртага Варшава Шартномаси мамлакатларининг Чехословакияга бостириб кириши ҳақида телеграмма келди. Ваҳоланки қўлимда Америка разведкаси, Пентагон ва давлат департаментининг Чехословакиядаги воқеаларни тайёрлашда МРБ ёки бошқа маҳкамалар мутлақо аралашмаганини тасдиқловчи ишончли ҳужжатлар бор эди. Бўлаётган воқеалар кўламини кўриб улар ҳатто шошиб қолишди. Резидент сифатида бу ҳақда ўз раҳбариятимга босқинчилик бошланмасдан олдин хабар бергандим. Лекин ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси шундаки, орадан бир йил ўтиб меҳнат таътилида Москвага келганимда ДХҚ раҳбарияти мен юборган маълумотларни ҳеч кимга кўрсатмай йўқ қилиб юбориш тўғрисида кўрсатма берганини билдим.

— Ушбу суҳбатга рози бўлганингизга қараганда қилаётган ишингиздан биринчи марта ҳафсалангиз пир бўлиши эмасга ўхшайди, шундайми?

— Ташқи қарши разведка бошқармаси бошлиғи вазифасида ишни тугатганимдан сўнг мени Ленинград ДХҚБ бошлиғи ўринбосари этиб жўнатишди. Бу ерда мен давлат хавфсизлиги органларининг мамлакат ичкарисидаги фаолияти хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўлдим ва агарда биз ҳақиқатан ҳам қайта қуриш қилмоқчи бўлсак партиянинг иродаси билан давлат ва ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларига, иқтисодиётга, фанга, маданият, спорт, динга ин қуриб олган ташкилотнинг иш услубига тааллуқли ислоҳот ўтказмасдан олға силжий олмаймиз деган қатъий қарорга келдим. Ҳаётимизда бирорта тармоқ йўқки унда ДХҚнинг қўли ёки қулоғи бўлмаса. ДХҚ ўз туснни ўзгартиряпти деган гаплар эса бу сафсатабозликдан бошқа нарса эмас. Давлат хавфсизлиги органлари фаолияти заминида сталинча услуб ётибди, демак улар 30-50 йил олдин қандай бўлса ҳозир ҳам шундай, ҳеч қандай ўзгариш йўқ. — Фақат уларнинг объектлари ўзгармоқда холос: дастлаб меньшевиклар ва эсерлар, кейинчалик троцкийчилар, зиновьевчилар, космополитлар, миллатчилар, клерикаллар, кришнаитлар, норасмийлар ва ниҳоят, иш ташлаш қўмиталари ҳамда янги сиёсий партиялар.

— ДХҚнинг, жумладан, иш ташлаш қўмиталари билан қандай услубда иш олиб бориши ҳақида батафсилроқ гапириб бера олмайсизми?

— Дунёдаги ҳамма полициялар қандай ишласа шундай. Бирон бир кишини ўз томонига оғдириб олиш ёки ўша ташкилотга ўз жосусини юбориш, ҳаракат фаолларини обрўсизлантириш ва охир-оқибатда ташкилотни ичидан емириш. Ахир бизда ҳалигача чор охранкаси бошлиғи Зубатов даврида тайёрланган айғоқчилар билан ишлаш бўйича қўлланмадан фойдаланилади. Ушбу ҳужжат ғоят ғаройиб бўлиб унда бугунги кунда биз инсон омили деб атайдиган барча нарсалар ҳисобга олинган: «Агар сиз яхши айғоқчига эга бўлишни истасангиз унинг соғлиғи, оиласи тўғрисида ғамхўрлик қилиш, хизмати бўйича кўтарилишига ёрдам бериш керак... Полиция зобити унинг учун ҳам она, ҳам ота ўрнини босиши лозим...»

— Бунинг учун ҳақ тўланадими?

— Бизда жамоатчи ёрдамчиларнинг икки тури мавжуд: тилхат бериб қилган иши учун мунтазам ҳақ олиб турувчи жосуслар ва органлар олдида расман ҳеч қандай мажбурияти бўлмаган ишончли одамлар.

— Муҳофаза бўлими тўғрисида гап бораркан, янглишмасам агар у фақат ичидан емириш билан шуғулланмай, кераксли йўналишда ишловчи бутун-бутун ташкилотлар ҳам тузган...

— Хавотирланманг, бу борада ҳам ҳаммаси жойида. 80-йилларнинг бошида Ленинград эстрадасини рок ишқибозлари тўлдиришганда ДХҚ ташаббуси билан шаҳарда рок — клуб ташкил этилганди. Мақсад битта: мазкур ҳаракатни назорат остида тутиш, уни бошқариладиган қилиш.

— Айтингчи, ДХҚ органлари ҳам ҳеч моддий қийинчиликдан қийналадиларми?

— Йўқ, ДХҚ учун бундай муаммо ҳеч қачон бўлмаган. Гарчи бюджетимиз қанча эканлигини айта олмасам ҳам, лекин ишонинг: биз қанча сўрасак давлат ғазнасидан шунча сўм ёки доллар оламиз.

— ДХҚнинг бюджетини ким тасдиқлайди?

— Партия Марказий Қўмитасида, дарвоқе энг олий раҳбарият даражасида.

— ДХҚ органларида ишловчилар сонини ҳам айтишга ҳаққингиз йўқми?

— Ҳа, лекин айтишим мумкинки бу сон жуда катта ва ташқи хавф ёхуд мамлакат ичидаги давлат хавфсизлиги даражасига мутлақо мос келмайди. Билишимча Москвадаги марказий аппаратнинг ўзидагина бутун МРБ ва ФҚБ системасидагиларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблагандагидан кўпроқ одам ишлайди.

— ДХҚда деярли ҳар бир киши тўғрисида маълумот йиғилганлиги ростми?

— Маълумот — жосуслар тўғрисидаги кинофильмлардан олинган атама. Аммо миллионлаб совет ва хорижий фуқаролар ҳақида материал йиғилганлиги рост. Бу иш 1918 йилдаёқ бошланганди.

— ДХҚ телефондаги сўзлашувни ҳам эшитадими?

— Бу қонун томонидан таъқиқланган. Бироқ мен Ленинград ДХҚ бошлиғи ўринбосари бўлган пайтимда истаган телефонни эшитиш тўғрисида кўрсатма беришим мумкин эди.

— Бирон бир кишининг ёки дейлик вилоят фирқа қўмитаси ДХҚдан кимнингдир телефонини эшитишни илтимос қилиши мумкинми?

— Бир марта Ленинград вилоят қўмитасининг котиби менга шундай илтимос билан мурожаат қилганди, лекин рад этгандим. Аммо бошқа жойларда рад этмасликлари ҳам мумкин...

— ДХҚ сиёсий қотилликларни ҳам амалга оширадими?

— Ҳозир қандай билмадим-у, аммо бирмунча вақт муқаддам шундай қилишарди.

— Ўзингиз резидент бўлган пайтингизда шунақа операцияларни амалга ошириш ёки режалаштиришингизга тўғри келганми?

— Мен улар ҳақида билардим...

— Мамлакатда ДХҚ учун ҳам ёпиқ бўлган зоналар борми?

— Мен битта ана шундай зона борлигини биламан: номенклатурадаги ходимлар тўғрисида ҳар қандай номақбул маълумот тўплаш ва сақлаш таъқиқланган. Ленинградда ишлаганимда менда ана шундай шахсларнинг махсус рўйхати бор эди: вилоятқўм котиблари, Ленсовет раиси ва унинг ўринбосари, янглишмасам агар ҳатто вилоят комсомол қўмитаси котиблари ҳам унга кирарди. Хуллас, раҳбариятдаги раҳбариятнинг ҳаммаси...

— Таъқиқни ким жорий қилган?

— Мен суҳбатимиз давомида гапириб ўтдим: ДХҚга бирон бир кўрсатма берадиган якка-ю ягона ташкилот — бу партия Марказий Қўмитаси. Қадимий майдонида имзоланган ҳужжат махфий йўриқнома деб аталармиди ёки ёпиқ қарор, ҳозир ёдимда йўқ, аммо у ДХҚда хизмат йўриқномаси сифатида қабул қилинган. Янглишмасам агар унда хизмат лавозимлари санаб ўтилгандан сўнг шундай дейилганди: «...ларга нисбатан ҳар қандай оператив тадбир ўтказиш таъқиқланади...» Яна агарда мазкур шахсларга нисбатан номақбул материал олингудек бўлса ўша жойнинг ўзида дарҳол йўқ қилиниши даркор. Ҳатто бундай материаллар бевосита эмас билвосита олинган тақдирда ҳам. Бир вақтлар Н. С. Хрущёв органлар партиядан ҳам устун турибди, бунга йўл қўйиб бўлмайди, деганди. Тўғри, лекин бунга озгина аниқлик киритиш лозим. Ўшандан буён орган назоратидан партия эмас, фақат унинг раҳбарлик аппарати чиқарилган холос.

— ДХҚ ҳозирги депутатлар корпусига нисбатан ҳам Сиз айтиб ўтган сиёсий рақибларга қўлланиладиган усулни қўллайдими?

— КПССга нисбатан оппозицияда бўлган структураларга келганда билишимча сўнгги дақиқагача ҳам ҳар қандай чеклашга йўл қўйилмасди. У минтақалараро депутатлар гуруҳи бўладими ёхуд ёшларнинг норасмий ташкилоти, бу одам СССР Олий Шўросининг депутати бўладими ёхуд оддий колхозчи — бунинг аҳамияти йўқ. Бутун куч-қудрат, кимгадир ёқмаганлиги учун одамларни обрўсизлантира олиши мумкин бўлган нимаики бўлса ҳаммаси ишга тушади. Ельцин ва Гдлянларнинг обрўсизлантирилганлигини айтмасам ҳам бўлади. СССР халқ депутатларининг I Съезди арафасида ДХҚда ўтган ёпиқ мажлисларнинг бирида раҳбарият бу ҳақда тўғридан тўғри кўрсатма берганди...

— ДХҚ таркибида ёлғон хабарлар ва миш-мишлар тарқатувчи махсус бўлинма борлиги ростми?

— Ҳа, бундай бўлинма ҳақиқатан ҳам бор. Худди ана шу ташкилот айрим одамлар ва ташкилотларни обрўсизлантириш, имзосиз варақалар ва миш-мишлар тарқатиш билан шуғулланади.

— АНТни яксон қилишда ДХҚнинг роли қандай бўлган деб ўйлайсиз?

— ДХҚ АНТнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшганди, шунинг учун ҳам АНТни айнан унинг ўзи маҳв этганлиги жуда ғалати. АНТни фош этиш органлар томонидан уюштирилганлиги аниқ. Шахсан мен бу ўринда икки йўлни кўраман, биринчиси бу ДХҚ ичидаги бўлинмаларнинг ўзаро келишиб ишламаётганлиги ёки рақобати (албатта бундай бўлиши эҳтимолдан жуда узоқ), иккинчиси бунда қарама қарши турган сиёсий кучлар аралашган. Ўзингиз биласиз АНТнинг фаолияти жуда юқори доирада маъқулланганди, энди тасаввур қилинг: ушбу фаолиятни тўхтатиш учун ДХҚни жалб этишга нақадар юқори даража бўлиши керак.

— Сизнингча ДХҚ қай тарзда ислоҳ қилиниши лозим?

— Аввалимбор уни носиёсийлаштириш зарур. Давлат хавфсизлиги ўз иши — Конституцияни ва давлат қурилиши мустаҳкамлигини ҳимоя қилиши, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаши керак ва таъминлайди ҳам.

— Пировардида сўрамоқчи эдик: ушбу суҳбат чоп этилгандан сўнг унинг оқибати сиз учун қандай бўлиши мумкин?

— Албатта, мени кўнгилсизликлар кутмоқда. Улар қандай бўлишини ҳозир айтолмайман...

— Наҳотки сиздек тажрибали одам ҳам олдиндан нима бўлишини билмаса?..

— Биласизми, бу ташкилот жуда изланувчан ва топқир... Аммо мен ҳам ҳали ўзимнинг барча имкониятларимни ишга солганим йўқ.

Суҳбатни
И. САЧКО ва А. ЦАЦУЕВлар
ёзиб олишди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Суҳбатдошимизни хатга тўла хонада бир неча соат давомида саволга тутдик. Узоқ вақтдан бери ана шундай одам билан мулоқотда бўлишни орзу қилардик. Ҳа, биз 1988 йилда хорижликларга тақлид қилиб суратга тушгани учун комсомолдан ҳайдалган, армияда қисувга олинган йигитни ҳимоя қилгандик (ҳимоя қила олдик ҳам). Унинг бу «гуноҳи» ҳақида «керакли жойга» «ишончли одам» — фотоательеда қабул қилувчи бўлиб ишловчи аёл етказганди. 1990 йилда Бокуда телемарказда портлаш уюштирилган ва бу «экстремист»ларнинг иши эмас деган электрикни ҳам топдик. Биз кўп марта, XIX фирқа конференциясидан олдин ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини носиёсийлаштириш зарурлиги ҳақида ёзгандик. Бироқ бу сафар узуқ-юлуқ фактлар мутахассис киши томонидан бевосита ёки билвосита тасдиқланди.


Ижтимоий қўрқув системаси ижтимоий таъминот системасига кирган эди. Биз тақдиримиз фақат эълон қилинган қонунгагина эмас, шунингдек, номаълум бир кимсанинг очиқ-ёриқ айтилмаган аммо бошимиз узра доимо муаллақ турган фикрига ҳам боғлиқ эканлигини ҳис этардик. «Шахсий иш»имиз шахсий эмасди, хатти-ҳаракатларимиз эса баҳоланмасди, балки РСФСР ЖКга алоқаси бўлмаса ҳам «профилактика» қилинарди.

Суҳбатдошимиз мамлакат манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб фамилия ва рақамларни айтмаганини тушундик. У шунингдек, худди шу манфаат йўлида фуқаролар жамияти қуришга ҳалақит бераётган системани очиб бераётганини ҳам. Генерал билан суҳбатлашаётган пайтимизда РСФСР халқ депутатлари съезди «Ҳокимият тўғрисида декрет»ни асос учун қабул қилди. Унда «РСФСРда... ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, ДХҚда... партиявий-сиёсий раҳбарлик системасига йўл қўйилмайди» дейилган. Декрет ҳали Конституция эмас, шундай бўлсада умид бор.

Д. МУРАТОВ,
«Комсомольская правда» таҳрир ҳайъати аъзоси.

* * *

РЕДАКЦИЯДАН: рўзноманинг 23 июнь сонида СССР ДХҚ жамоатчилик билан алоқа марказининг СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси ДХҚнинг собиқ ходими, истеъфодаги генерал-майор Калугиннинг Москвада чиқадиган қатор матбуот нашрлари, радиоэшиттиришлари ва хориждаги оммавий-ахборот воситаларида берилган мусоҳабаларини диққат билан ўрганиб чиққанлигини ва СССР ДХҚ Калугиннинг айтганларига ҳар томонлама баҳо бериши тўғрисидаги хабар чоп этилди.



Тошкент шаҳридаги Октябрь ноҳиясининг Илғор маҳалласи мутасаддилари амалга ошираётган ишлар мақтовга лойиқ. Маҳалла қўмитаси аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли халқимизнинг унутилиб бораётган қадимий урф-одатлари яна қайтадан тикланмоқда. Маданий-маиший ишлар яхши йўлга қўйилган. Кексалар бир-бирларининг ҳолидан доимо хабардор бўлиб туришади. Сиз кўриб турган суратдаги киши Жўра бобо Аҳмедов пиру-бадавлат инсон. Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу отахонни 80 ёшда десак, ишонмайсиз. Маҳаллада каттаю-кичик Жўра бобони чуқур ҳурмат қилади. Айниқса, у киши шахматни жони-дилидан яхши кўради.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратга олган.
(ЎзТАГ).

Экологик СПИД

21 июнь куни Белоярск ноҳиясидаги «Хромцовский» давлат хўжалигининг меҳнат-роҳат лагерида ишлаётган уч нафар ўқувчи қиз оёқлари увишиб, юролмай қолганликларидан шикоят қилиб, хўжалик фельдшерига мурожаат қилишди. 24 июнь куни эса беморлар сони саккиз кишига етди. Кейинчалик яна 11 ўқувчида шу хасталик белгилари топилди.

Красноуфимск ва унинг атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг 4,5 минг нафари тиббий кўрикдан ўтказилганди.

Ҳали бирор бир илмий хулосага келинмагунича ҳар хил олди-қочди гаплардан ўзимизни тийиб турайлик. Аммо бир нарса ҳайратга солади: ўтган йили ҳам ҳозир ҳам касаллик маҳаллий аҳолини четлаб ўтиб, фақат ҳашарчиларга ёпишди. Красноуфимскда ҳам «Хромцовский»да ҳам катталарга ҳеч нарса қилмай, фақат болалар оғришган. Бу касалликнинг қандайдир янги тури эмасмикан?

Экология бўйича вилоят кенгашининг доимий комиссияси раиси, олим В. Мороков буни «Экологик СПИД», яъни атроф-муҳитнинг ўта ифлосланиб кетиши туфайли инсон организмидаги «ҳимоя» системасининг ишдан чиқиши, деб изоҳлади. Наҳотки рост бўлса? Бу саволга жавоб ҳозирча йўқ.

Ҳозир меҳнат — роҳат лагеридаги барча болаларни ноҳиядан чиқариш, уларга энг замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Фавқулодда ваколатларга эга комиссия тузилди. Ноҳия прокуратураси бу иш юзасидан жиноий иш қўзғади.

С. ПЛОТНИКОВ,
Свердловск.

СПОРТ

Биринчи лига: умидлар йили

Жаҳон чемпионати ўйинлари мухлисларни «сеҳрлаб» қўйди. Катта футболни томоша қилгач, кишининг тасаввури ҳам ўзгариб борар экан. Лекин футбол пиллапоялардан иборат эканлиги ҳаммамизга аён. Шундай экан, ўзимизнинг севимли командаларимизни ҳам унутиб қўймайлик.

Гап биринчи лигада иштирок этаётган жамоалар ҳақида кетаётганини сезган бўлсангиз керак. Хуллас, бу йилги имконият яна қайтиб келмайди. Олий лигага бериладиган тўрт ўринга ҳозирча даъвогарлар кўп. Кучлилар баҳси қизиганидан қизиб бораяпти. Ҳар турда ҳар хил ўзгариш. Аввалги йиллари чемпионат яримлаб қолганида қайси командалар «юқорига кўтарилиб кетиши»ни бемалол айтиб бера олардик. Бу йил эса...

Биринчи лигада ўйинлар давом этаяпти. Ҳозирча Владикавказнинг «Спартак» командаси 16 ўйиндан 24 очко жамғариб, карвонбошилик қилаяпти. Спартакчилар Москвада «Локомотив» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратгач, ўз мавқеларини анчагина мустаҳкамлаб олишди. Иккинчи ўринда бораётган Запорожьенинг «Металлург» жамоаси Бокунинг «Нефтчи» командасини 3:1 ҳисобида енгиб, очколарини улар ҳам 24тага етказдилар.

Энди қолган ўйинлар натижалари билан таништирамиз: «Динамо» Ст — «Тирас» — 2:0, «Кузбасс» — «Котайк» — 0:0, «Локомотив» Г — «Динамо» Сх 0:0, «Факель» — «Кубань» — 3:0, «Нистру» — «Зенит» — 2:1, «Ростсельмаш» — «Таврия» — 2:1.

«Пахтакор» бу турда ҳам дам олди. Ҳамюртларимиз навбатдаги ўйинни 2 июль куни Тирасполь шаҳрида маҳаллий «Тирас» командаси билан ўтказадилар, 5 июлда эса Симферополь шаҳрида «Таврия»нинг меҳмони бўлишади. Командамиз ҳозир 19 очко билан турнир жадвалининг бешинчи поғонасини эгаллаб турибди.

* * *

СССР футбол Федерацияси кубоги учун навбатдаги ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи баҳсларда иштирок этиш учун йўлланма олган командаларнинг ўйинлари натижалари қуйидагича: «Днепр» (Днепропетровск) — «Динамо» (Минск) — 1:0, «Ротор» (Волгоград) — «Черноморец» (Одесса) — 0:1.

Акс-садо

«ҚАЙТА ҚУРИШ БОЛАЛАРИ»

Ўтган махсус сон саҳифаларида ана шу сарлавҳа остида мақола чоп этган эдик. Рўзномамизда кўтарилган муаммолар муштарийларимизни бефарқ қолдирмади. Биринчилар қаторида биз ана шу чуқур дард билан ёзилган хатни олдик. Уни сизнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БИЛИМЛИ БЎЛИШ МУАММОЛАРИ

Турғунлик йиллари даври ҳаётнинг маълум бир тармоғига таъсир этиб қолмай, жуда кўп соҳаларда ўз таъсирини ўтказди ва унинг асорати шу бугунги кунларда ҳам мавжуд.

1970-80 йиллар даврида математика фанлари соҳасида бирданига программа материаллари ўқувчи қобилиятини ҳисобга олинмагани ҳолда ўта мураккаб ҳолатга келтирилди. Қайсидир илмий-текшириш институтлари ходимлари қайсидир қобилияти ўртачадан юқори бўлган ўқувчилар билан ишлаб ўзларини илғор илмий ходим, янгилик яратувчи эканлигини кўрсатиш учун экспериментлар олиб бориб, унинг натижасида фан тармоқлари мураккаблаштирилди.

Бу фан программа темалари шунчалик зич берилганки, тема ўтилгач, у мавзу материалини, амалий машқ учун тадбиқини ўқувчига ўргатишга вақт етишмайди. Бундай мураккаблик ўқувчининг олий ёки ўрта махсус ўқув юртига кириши учун математика фанларидан имтиҳон топширишида ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

20 йиллик иш фаолиятимга назар ташлаб шуни айтишим мумкинки, институт ёки техникумга математикадан талаб асосида тайёрланиш учун энг камида бир йил фақат шу фан билан шуғулланиш ёки махсус мутахассис бир йил ўқувчини тайёрлаши керак.

Ўқувчининг институт ёки техникумга кириш учун тўлиқ тайёр эмаслиги турли хил усул қўллаб ўқишга киришга замин яратмоқда, пора ва бошқа илтимослар орқали ўқув даргоҳида ўқиш насиб этмоқда. Бу ҳолни қанча инкор этмайлик, барибир мавжуд. Бу ҳолатнинг замирида кўпгина саводсиз ўқувчилар илм даргоҳига қабул қилинмоқда.

Иш фаолиятимда 3 аълочи ўқувчининг билим даргоҳига йиллаб қийналиб имтиҳонни паст баҳога топшириб ўқишга қабул қилингач, уни битиргунча нуқул аъло баҳога ўқиганини биламан. Шулардан бири ҳозир олий ўқув юртида нуқул аъло баҳога ўқимоқда.

Ўтган ойларнинг бирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида Тошкент тиббиёт институтига қабул қилинганларни қайта имтиҳон натижалари кўрилди, унда қабул қилинганларнинг 68 фоизи қониқарсиз баҳо олгани қайд қилинди.

Қани энди улар институтдан бадарға қилинганларида эди, анчагина сир очилган бўлур эди. Бюро муҳокама қилди, аммо турли йўл билан институтга қабул қилинганлар «тиббиётчи» бўлиш учун ўқишни давом эттиришмоқда.

Кўпчилик ота-оналар фарзандлари тақдири ва билимига қизиқмайдилар, ҳатто шундайлари ҳам бўладики, фарзандини нечанчи синфда ўқишини билишмайди. Яқинда дарс жараёнида 8-синфдаги 23 ўқувчига, кимнинг ота-онаси яхши ўқиш, яхши хулқ-атворга эга бўлиш, билимли, етук кишилар бўлиши учун насиҳат қилган, деб савол берсам, фақатгина 3 ўқувчи қўл кўтариб, жавоб берди, холос.

Мактаб ислоҳоти бўйича анча назарий ишлар тўғрисида гаплар бўлди, лекин у амалиётга тадбиқ қилинмай, сўниб кетмоқда. Хулоса шуки, «Қайта қуриш» болаларнинг келгусида етук кишилар бўлиб қандайдир соҳа эгалари бўлиши учун ҳалигача кўмак беролгани йўқ. Муаммо орасидан яна муаммо пайдо бўлиш хавфи яқинлашмоқда. Апрель ойида «Комсомольская правда» ва сўнгра «Ёш ленинчи» рўзномасида Туркманистон ССРдаги болалар аҳволи таҳлил қилинди ва битта расм ҳам берилди. Унда озиқ-овқатга тўймай ўлаётган ва у ҳолат натижасида саводсизлик авж олаётгани ёритилган.

Мабодо, озиқ-овқат нархи ошса, бу Туркманистон ССРдаги ҳолат бутун Иттифоққа ёйилиши эҳтимоли йўқлигига ким кафолат беради? Ёки бизнинг жумҳуриятимиздаги аҳволи ночор 9 миллион инсоннинг тақдири нима бўлади?

Биз «қайта қуриш»дан шуни кутганмидик? Бу бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар «қайта қуриш»нинг болаларга мукофотими?

Ғуломжон ҚУРБОНОВ,
Чуст ноҳияси С. Айний номли 25-ўрта мактаб.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Рўзноманинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: «Комсомольская правда» рўзномасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ, «Ёш ленинчи» рўзномасининг ходимлари Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, И. УСМОНОВ, Ф. ТУРНИЁЗОВлар.

Рўзноманинг бу сонига муҳаррир ўринбосари Ф. РАҲИМОВ, масъул котиб ўринбосари Р. ШАРОПОВ, мухбир Ҳ. АКБАРОВ, мусаҳҳиҳлар М. АБДУЛЛАЕВ, Х. СУЛТОНОВА, А. МИРМУҲАМЕДОВА, Ф. АЛИМОВлар навбатчилик қилишди.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.
Д. — 23193.
Р — 04315.